Ўзбекистон овози

Рўзномага 1918 йилда 21 июнда асос солинган

ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИНИНГ ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ РЎЗНОМАСИ

● Рўзнома: «Иштирокиюн» (1918 — 1920 й.) «Қизил байроқ» (1920 — 1923 й.). «Туркистон» (1923—1924 й). «Қизил Ўзбекистон» (1924—1964 й). «Совет Ўзбекистони» (1964—1991 й.) номи билан чоп этилган, ҳозир «Ўзбекистон овози» (1991 йил 1 сентябрдан) номи билан чиқмоқда.

● № 107 (21. 206) 1992 йил 30 май, шанба ● БАҲОСИ 1 СЎМ.

ШУ КУННИНГ НАФАСИ

Воқеалар, янгиликлар, хабарлар

ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИ РОССИЯ ПОЙТАХТИГА ЖЎНАБ КЕТДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов бошчилигидаги ҳукумат делегацияси 29 май куни давлатлараро муносабатларнинг асослари ҳақидаги Шартномани имзолаш учун Россия пойтахти Москвага жўнаб кетди.

(ЎзА).

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ЭНГ ЯХШИ ЎРНАК КЎРСАТГАН ТИББИЁТ ХОДИМЛАРИ ВА ҚИЗИЛ ЯРИМ ОЙ ЖАМИЯТИ ФАОЛЛАРИДАН БИР ГУРУҲИНИ МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

Меҳр-мурувватни ривожлантириш ва аҳоли соғлиғини сақлаш соҳасидаги кўп йиллик самарали ишлари, касалликларнинг олдини олиш ва даволашдаги фаоллиги ҳамда жамоат фаолияти учун қуйидагиларга фахрий унвонлар берилсин:

«Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган фан арбоби»:

Азизова Саиҳат Собировна — Тошкент педиатрия тиббиёт институтининг кафедра мудири

Қодирова Асолат — Тошкент давлат тиббиёт институтининг кафедра мудири

Ўнгбоев Тоштемир — Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги травматология ва ортопедия илмий-тадқиқот институтининг директори

«Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган соғлиқни сақлаш ходими»:

Аслонов Мукаррам — Қашқадарё вилояти Ульянов тумани марказий касалхонаси бош шифокорининг ўринбосари

Гулмонов Искандар — Хоразм вилояти Гурлан тумани марказий касалхонасининг шифокор-жарроҳи

Қосимов Суннат — Жиззах шаҳар 2-касалхонасининг бўлим мудири

Мансуров Бахтиёр Мансурович — Фарғона вилояти республика стоматология имплантологияси марказининг раҳбари

Мирзаев Шоакбар Иноғомович — Тошкент шаҳар Акмал Икромов туманидаги 8-поликлиника бош шифокори

Мирсайдуллаев Миршоҳид Миробилович — Наманган вилояти Чортоқ санаторийсининг бош шифокори

Мирҳўжаев Соқи Хўжаевич — Тошкент давлат тиббиёт институтининг проректори

Раҳимов Нишонали Раҳимович — Тошкент вилояти Янгийўл туман марказий касалхонасининг бош шифокори

Садриддинов Маслауддин Камолович — Тошкент шаҳар 9-стоматология поликлиникасининг бош шифокори

Солиев Алижон Рустамович — уруш ва меҳнат фахрийлари Сирдарё вилоят касалхонасининг бош шифокори

Улуғов Хожи — Самарқанд тиббиёт институти 2-клиникасининг бош шифокори

Шорустамов Шоанвар — Тошкент вилоят «Фармация» бирлашмаси директорининг ўринбосари

Қуйидагилар Ўзбекистон Республикаси фахрий ёрлиғи билан мукофотлансин:

Абдреимов Нурулла Рўзимович — Қорақалпоғистон Республикаси Қизил ярим ой жамияти Беруний туман меҳр-мурувват хизматининг раҳбари

Акбарова Риҳси Ҳолқўзиевна — Тошкент вилояти Янгийўл туман меҳр-мурувват тиббий ҳамшираси

Амиров Ражаб Амирович — Бухоро вилояти Қизил ярим ой жамияти Бухоро туман комитети раисининг ўринбосари

Ортиқов Ёркинбой Маҳмудович — Тошкент вилояти Қизил ярим ой жамияти Паркент туман комитети раисининг ўринбосари

Астахова Лариса Викторовна — Ўзбекистон Республикаси Қизил ярим ой жамияти Марказий комитети тиббий-ижтимоий ёрдам ва ўқувчи ёшлар билан ишлаш бўлими бошлиғининг ўринбосари

Жалолова Лола Хоруновна — Тошкент шаҳар ижроия комитети Соғлиқни сақлаш Бош бошқармаси бошлиғининг ўринбосари

Есназарова Гулистон Узакбергановна — Қорақалпоғистон Республикаси Қизил ярим ой жамияти Нукус шаҳар комитети меҳр-мурувват тиббий ҳамшираси

Эшонхонова Светлана Абдуллаевна — Ўрта Осиё темир йўли «Тошкент» бекатидаги санитария-эпидемиология назорати бош шифокори

Қамолов Муталхон — Наманган вилояти Қизил ярим ой жамияти Чортоқ туман комитети раисининг ўринбосари

Қамбаров Қаҳрамон Қамбарович — Қизил ярим ой жамияти Сурхондарё вилоят комитетининг раиси

Кучербоева Комила Орол-боевна — Тошкент шаҳар Собир Раҳимов туман Қизил ярим ой жамияти меҳр-мурувват хизматининг тиббий ҳамшираси

Маҳсудов Ғайбулло — Жиззах вилояти Зомин туман марказий касалхонасининг лаборант-шифокори

Мелиқулов Холмурод — Самарқанд вилоят ижроия комитети соғлиқни сақлаш бошқармасининг бошлиғи

Минасян Изабелла Микиртичевна — Фарғона вилояти Қўқон бекатидаги Қизил ярим ой жамияти комитети бўлими раисининг ўринбосари

Муқумов Ҳамдан Алишбоевич — Сирдарё вилояти Қизил ярим ой жамияти Сайхунобод туман комитетининг раиси

Насриддинов Зайнобиддин — Андижон вилояти Қизил ярим ой жамияти Андижон туман комитетининг раиси

Нўъмонов Рустамжон Саидович — Сурхондарё вилояти Қизил ярим ой жамияти Денов туман комитети раисининг ўринбосари

Огаркова Тамара Алексеевна — Қашқадарё вилояти Қизил ярим ой жамияти Қарши шаҳар меҳр-мурувват тиббиёт ҳамшираси

Омонов Қудрат — Қашқадарё вилояти Қизил ярим ой жамияти Китоб туман комитети раисининг ўринбосари.

Успанов Аяпберген — Қорақалпоғистон Республикаси республика санитария-эпидемиология станцияси бош шифокорининг ўринбосари

Прихожаева Мария Егоровна — Қизил ярим ой жамияти Тошкент шаҳар комитети меҳр-мурувват хизмати тиббий ҳамшираси

Солиев Файзулло — Сирдарё вилояти Сирдарё туман марказий касалхонасининг бош шифокори

Салимов Ботир Тошпўлатович — Тошкент шаҳар Қизил ярим ой жамияти Собир Раҳимов туман комитети раисининг ўринбосари

Сетматов Мирза — Хоразм вилояти Қизил ярим ой жамияти Боғот туман комитети раисининг ўринбосари

Суюнов Тошпўлат — Самарқанд вилояти Қизил ярим ой жамияти Пайариқ туман комитети раисининг ўринбосари

Тожиев Сергей Тожиевич — Тошкент шаҳар Қизил ярим ой жамияти Юнусобод туман комитетининг инструктори

Тошмуҳамедов Обиджон Арслонович — Ўзбекистон Республикаси Қизил ярим ой жамияти Марказий Комитетининг ишончли шифокори

Тиллаев Собиржон — Андижон вилояти Қизил ярим ой жамияти Жалолқудуқ туман комитети раисининг ўринбосари

Фармонова Зуҳра Абдураҳмоновна — Фарғона шаҳар 2-поликлиникаси марказий бирлашган касалхонасининг бош шифокори

Фаттоев Саттор Раззоқович — Бухоро вилояти Қизил ярим ой жамияти Бухоро туман комитетининг раиси

Ўзбекистон Республикасининг Президенти

И. КАРИМОВ.

Тошкент шаҳри,
1992 йил 28 май.

• 1 ИЮНЬ—БОЛАЛАРНИ ҲИМОЯ ҚИЛИШ ХАЛҚАРО КУНИ

Р. АЛЬБЕКОВ олган сурат.

НУРИДИЙДАЛАРИМИЗ—БИЗНИНГ КЕЛАЖАГИМИЗ

Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши Сиёсий Ижроқўмининг республика аҳолисига

МУРОЖААТИ

ҲАР ЙИЛИ 1 июнда жаҳондаги миллионлаб кишилар Болаларни ҳимоя қилиш кунини нишонлайдилар. Болалар бизнинг ва сайёрамизнинг келажагидир. Тинч ва бахтли болалик — бу барча яхши ниятли кишиларнинг тинимсиз ғамхўрлиги, уларнинг инсоният цивилизацияси олдидаги муқаддас бурчидир.

Болалар ҳақида ғамхўрлик қилиш олижаноб ишдир. Халқимиз анъаналарида ҳар доим, айниқса; энг қийин вақтларда болаларга сўнгги бурда нонини ҳам бериш, меҳр-муҳаббат кўрсатиш, нозик қалбларини ардоқлаб, асраб-авайлаш одати бор.

Бизнинг болажон республикамизда болаларга жуда кўп ғамхўрлик кўрсатилмоқда. Аммо, вазият борган сари кескин тус олиб кетмоқда. Маблағлар етишмаётгани сабабли мактаблар, болалар боғчалари, болалар уйлари ва соғлиқни сақлаш муассасалари озиқ-овқат маҳсулотлари билан зўрға таъминланмоқда. Минглаб болаларнинг ёзги дам олишини ташкил этиш амри маҳол бўляпти.

Биз бу гапларни раҳм-шафқат уйғотиш учунгина айтаётганимиз йўқ. Меҳр-шафқат кўрсатиш учун бугунги кунда фаол ҳаракатлар керак. Болаларимизнинг қадрига етадиган, бошимиздаги осмон мусаффо-ю, болаларимиз эса бахт-саодатли, соғлом, чиройли, маълумотли ва меҳнатсевар бўлишини истаган барча кишилар бизни эшитади, тушунади ва ҳамдард бўладилар, деб умид қиламиз.

РЕСПУБЛИКАМИЗДАГИ барча болаларни, кўп болали оилаларни қўллаб-қувватлаш бугунги кунда барча даражадаги ҳокимият органларининг устивор вазифаси бўлмоғи лозим. Меҳнат жамоаларини, фермер ва деҳқон хўжаликларини, тадбиркорларни мактаблар ва интернатлар, болалар уйлари ва мактабгача бўлган муассасаларни ҳомийликка олишга чақирамиз. Бу мақсад учун ҳар ким маблағ топа олади ва топиши керак. Зеро, болаларга кўрсатиб келинган саҳийлик барча замоналарда ҳам юксак қадрланган, айниқса, ҳозир беқиёс аҳамиятга эгадир.

Бироқ, биз унчалик бой бўлмасакда, ўз келажагимиз бўлган болаларимиздан ҳеч нарсани аямаслигимиз даркор.

Нуқтаи назарларимиз турлича бўлишига қарамасдан биз барча партия ва жамоат ҳаракатларини болаларимизнинг эркин, ҳалол ва бахтли, ўз халқи ва она заминга садоқатли бўлиб ўсишлари учун ўз куч-ғайратларини бирлаштиришга чақирамиз.

1 июнь—Болаларни ҳимоя қилиш куни. Бола нигоҳи кишига комил ишонч билан боқади, унинг донолиги, кучқуввати ва саҳийлигига ишонади.

Келинг, унинг умидини оқлайлик!

«ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ» ВА «ГОЛОС УЗБЕКИСТАНА» РЎЗНОМАЛАРИ МУҲАРРИРИЯТИГА

Ўзбекистон Халқ демократик партияси аъзолари бўлган, республика халқ ноиблари номидан партиямиз Марказий Кенгашида тузилган олим ва мутахассислар гуруҳи томонидан ишлаб чиқилган «Ўзбекистон Республикасида кам таъминланган фуқароларни ижтимоий ҳимоя қилиш тўғрисида» ташаббускор Қонун лойиҳасини чоп этишингизни сўрайман. Бу ҳуқуқий қадам ХДП Дастурининг битта муҳим моддасини бажаришга қаратилгандир. Ташаббускор Қонун лойиҳасини Сизнинг рўзномангизда чоп этилиши ва унинг партиявий мансублигидан қатъий назар муштарийлар томонидан муҳокама қилиниши, бизга, халқ ноибларига Қонун лойиҳасини қайта ишлаб чиқишга ёрдам беради. «Ўзбекистон Республикаси халқ ноиблари мақоми» Қонунига асосан «Ўзбекистон Республикасида кам таъминланган фуқароларни ижтимоий ҳимоя қилиш тўғрисида» Қонун лойиҳаси ХДП аъзолари—халқ ноиблари томонидан Олий Кенгашга киритилади.

М. М. РАСУЛОВ,
Ўзбекистон Республикаси халқ ноиби,
Халқ демократик партияси
Марказий Кенгаши биринчи котиби

(Қонун лойиҳаси билан рўзноманинг иккинчи саҳифасида танишасиз).

ИҚТИСОДЧИ ОЛИМЛАР БИЛАН УЧРАШУВ

28 май куни Ўзбекистон Халқ демократик партияси Марказий Кенгашида Ўзбекистон миллий иқтисодини ривожлантиришнинг асосий йўналишлари ва бунда Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг тутган ўрни мавзусида республикамизнинг етакчи олим ва мутахассислари иштирокида йиғилиш бўлиб ўтди.

Йиғилишни Ўзбекистон Халқ демократик партияси Марказий Кенгашининг биринчи котиби М. М. Расулов кириш сўзи билан очиб, жумладан, республикамизнинг ҳозирги иқтисодий шароитда Халқ демократик партияси ўз Дастурий мақсад ва вазифаларидан келиб чиқиб, бу вазиятда унинг тутган ўрни каби масалаларда республикамизнинг етакчи олим ва мутахассислари фикри ва таклифлари, айниқса, муҳимлиги тўғрисида фикр билдирди.

Йиғилишда сўзга чиққан Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалик академияси вице-президенти С. Н. Усмонов, Ўзбекистон Республикаси молия вазири ўринбосари П. Х. Носиров, «Алгоритм» илмий-техник тараққиётга ёрдам бериш уюшмаси бош директори Б. М. Турсунов, Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаштириш муҳандислари институти ҳисоблаш техникаси ва программалаштириш кафедраси мудири А. А. Ғафуров, Ўзбекистон Республикаси Президенти девони давлатлараро ва ташқи иқтисодий масалалар бўйича консультанти Ф. Рўзиев, Ўзбекистон тараққиёт истиқболларини белгилаш қўмитаси бўлим мудири З. Абдуллаев, Иқтисод институти шўъба мудири К. Ў. Ўлжабоев ва бошқа иқтисодчи олимлар бу масалалар юзасидан ўз фикр ва мулоҳазаларини билдирдилар.

Йиғилиш якунида Ўзбекистон Халқ демократик партияси Марказий Кенгаши қошида Ўзбекистон миллий иқтисодини ривожлантиришнинг асосий йўналишларини ўрганиб, таклифлар бериш мақсадида ишчи гуруҳ тузилди.

Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши матбуот маркази.

• *Ўзбекистон ва жаҳон*

ИТАЛИЯ МОЛЛАРИ КЎРГАЗМАСИ

Тошкентда Италиядаги йиғирматача фирма ва савдо ташкилоти тақдим этган халқ истеъмоли моллари ва саноат асбоб-ускуналарининг тижорат кўргазмаси муваффақиятли ўтмоқда. У ёш ўзбек—Италия «Узбегиминтернейшнл» қўшма корхонасининг ташаббуси билан уюштирилди.

28 май куни Ўзбекистон Республикаси Бош вазири А. Муталов, Бош вазирнинг биринчи ўринбосари И. Ҳ. Жўрабеков, Бош вазирнинг ўринбосари А. Н. Возненко кўргазмага бордилар. Улар кўргазмага қўйилган хилма-хил моллар билан танишдилар. Италия фирмаларининг раҳбарлари ва вакиллари билан ўзаро манфаатли ҳам корлик масалаларини муҳокама қилдилар. Жумладан, меҳмонлар ўзбекистонлик қобилиятли йигитларни Италия асбоб-ускуналарида ишлашга ўргатишга, республикамизда юқори сифатли истеъмол моллари ишлаб чиқаришни йўлга қўйишда кўмаклашишга тайёр эканликларини билдирдилар.

А. Муталов журналистлар билан суҳбатда имкони борича кўпроқ корхоналарнинг раҳбарлари, савдо-саноат намояндалари бу кўргазма билан танишишлари лозимлигини таъкидлади. Республикада хом ашё кўп, ҳозир шу хом ашёни сифатли қайта ишлашни йўлга қўйиш вазифаси кўндаланг бўлиб турибди. Чет эллик ҳамкорлар билан ҳисоб-китоб қилиш учун ҳам шу хом ашёдан фойдаланса бўлади. Тайёр маҳсулотни эмас, балки технологияни сотиб олиш, ўзимизда маҳсулот ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш зарур.

(ЎзА).

● Кўргазмани кўздан кечириш пайти.

Р. ШАГАЕВ олган сурат.
(ЎзА).

ЛОЙИҲА

Ўзбекистон Республикасининг ҚОНУНИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА КАМ ТАЪМИНЛАНГАН ФУҚАРОЛАРНИ ИЖТИМОИЙ ҲИМОЯ ҚИЛИШ ТЎҒРИСИДА

Шахсий меҳнат қобилияти чекланган кам таъминланган фуқароларни ижтимоий ҳимоя қилиш фуқаролар конституциявий ҳуқуқларининг устивор кафолати ва Ўзбекистон Республикаси давлат ҳокимияти ва бошқаруви идораларининг асосий вазифалари саналади.

Ижтимоий ҳимоя қилиш ўзларига боғлиқ бўлмаган ҳолатларга кўра, шахсий меҳнат қобилияти чекланганлиги, шу жумладан ёши ўтиб қолганлиги сабабли, ўзи ва оила аъзоларини тиббий меъёрлар бўйича **энг кам истеъмол бюджетини** таъминлаш имкониятига эга бўлмаган Ўзбекистон Республикасининг балоғатга етмаган фуқароларига ва оилаларига давлат ва жамоатчилик томонидан кўрсатиладиган ёрдамни қамраб олади.

Ўзбекистон Республикасида кам таъминланган фуқароларни ижтимоий ҳимоя қилиш инсон ҳуқуқлари Халқаро декларацияси, бошқа халқаро ва давлатлараро ҳуқуқий ҳужжатлар, Ўзбекистон Республикасининг қонунларига мувофиқ амалга оширилади.

I БОБ. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР

1-модда. Ўзбекистон Республикасида аҳолининг энг кам истеъмол бюджети

Ўзбекистон Республикасида минтақавий хусусиятларни ва ижтимоий-иқтисодий аҳволни ҳисобга олган ҳолда аҳолининг ижтимоий таъминланганлигининг индексланган давлат меъёритиббий меъёрлар бўйича турмуш даражасининг **энг кам истеъмол бюджети** жорий этилади.

Ўзбекистон Республикаси аҳолисининг **энг кам истеъмол бюджети**, унинг ҳақиқий ва қиймат кўрсаткичлари **Ўзбекистон касаба уюшмалари, Федерацияси-нинг раҳбарлари билан келишилган ҳолда** Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади.

Белгиланган **энг кам истеъмол бюджетига** мувофиқ **Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси-нинг раҳбарлари билан келишилган ҳолда**, Ўзбекистон Республикаси давлат ҳокимиятининг олий ижроия идораси томонидан белгиланади:

— минимал ойлик даражаси;

— пенсиянинг ва ногиронлик бўйича пенсиянинг энг кам даражаси;

— стипендиянинг энг кам даражаси;

— ишсизлик бўйича нафақанинг энг кам даражаси;

— боқувчисини йўқотганлик бўйича нафақанинг энг кам даражаси;

— даромад солиғи солинмайдиган даромаднинг энг кам даражаси белгиланади.

2-модда. Кам таъминланган фуқароларнинг ҳуқуқий тарзда аниқланиши

Оила аъзоларининг ҳар бирига тўғри келувчи даромадининг **йиғиндиси** (ижтимоий нафақа ва тўловларни, стипендия ва нафақаларни қўшиб ҳисоблаганда) **энг кам истеъмол бюджетидан ошмайдиган** фуқаролар Ўзбекистон Республикасининг кам таъминланган фуқаролари деб ҳисобланадилар.

Давлат ёрдамининг ҳажми ва шакли белгиланаётганда кам таъминланганликнинг тоифалари **аниқланади**, у фуқароларнинг даромади ва энг кам иш ҳақи ўртасидаги фарқни, шунингдек уларнинг соғлиғи ва меҳнатга лаёқатини, турар жой шароитини ва экологик шароитларни, шахсий мулкдаги ва хўжалик юмушидаги мол-мулкни, фойдаланаётган ер майдонининг саҳнини ҳисобга олади.

3-модда. Кам таъминланган фуқароларни ижтимоий ҳимоя қилиш ҳуқуқий ва қонуний меъёрдир

Ўзбекистон Республикасида қонуний ва ҳуқуқий меъёрлар аҳолининг алоҳида муҳтож қатламларини ота ёки она бўлмаган оилаларни, ногиронларни, вақтинча ишга лаёқатсизларни, бемор фуқаролар ва ёлғиз қарияларни муқаррар тарзда қўллаб-қувватлашдан келиб чиқиши керак. Кам таъминланган фуқароларнинг бошқа тоифаларига давлат томонидан бериладиган ёрдам Ўзбекистон Республикасининг иқтисодий имкониятларига ва Қонунларига қатъий мувофиқ ҳолда берилади.

4-модда. Давлат томонидан ижтимоий ҳимоя қилиниш ҳуқуқига эга бўлган кам таъминланган фуқаролар тўғрисидаги Ўзбекистон Республикасининг Қонунлари

Ўзбекистон Республикасининг Қонунлари қуйидагиларни ўз ичига олади:

— мазкур Қонун;

— Ўзбекистон Республикасининг ушбу соҳага тегишли бўлган бошқа қонунлари ва қонун ҳужжатлари;

— Қорақалпоғистон Республикасининг тегишли Қонунлари ва бошқа қонун ҳужжатлари;

— Ўзбекистон Республикаси Президенти фармонлари.

5-модда. Ижтимоий ҳимоя қилиниш ҳуқуқига эга бўлишган кам таъминланган фуқаролар тўғрисидаги қонунларнинг вазифалари

Алоҳида муҳтож фуқароларни ижтимоий ҳимоя қилиш тўғрисидаги Ўзбекистон Республикаси қонунларининг вазифалари қуйидагилардан иборат:

— бозор иқтисоди шароитида Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг ижтимоий мадад олишидан иборат конституциявий ҳуқуқларини таъминлаш ва ҳимоя қилиш;

— Ўзбекистон Республикаси аҳолисининг турмуш шароитларини тенглаштиришнинг ҳуқуқий кафолатларини яратиш;

— кам таъминланганлар жумласидан бўлмиш фуқароларни ижтимоий ҳимоялаш соҳасида ҳуқуқий ва жисмоний шахсларнинг ҳуқуқ ва вазифаларини, ваколатларини ва масъулиятини аниқлаш;

— Ўзбекистон Республикасида фуқароларни ва вояга етмаган шахсларни ижтимоий ҳимоя қилишга оид давлат сиёсати принципларини аниқлаш.

6-модда. Кам таъминланган фуқароларни ижтимоий ҳимоя қилишга оид давлат сиёсатининг принциплари

Ўзбекистон Республикасида кам таъминланган фуқароларни ижтимоий ҳимоя қилишга оид давлат сиёсати қуйидаги принципларга асосланади:

— ижтимоий ёрдамнинг инсонпарварлик хусусияти;

— ижтимоий ёрдамни фақат инсоннинг қадр-қимматини ҳурмат қилган ҳолда кўрсатилиши;

— ижтимоий ёрдам ажратилаётганда фуқароларга табақалаштирилган тарзда ёндашиш;

— жамоат томонидан ва шахсий ҳайрия ташаббусларига давлатнинг кўмаклашиши;

— кам таъминланган фуқароларнинг давлат ижтимоий ҳимоясини уларнинг ўз меҳнат фаолияти ва ўз-ўзини таъминлашига кўмаклашиш билан қўшиб олиб бериш;

— ижтимоий ёрдамнинг аниқ манзилга йўналтирилганлиги;

— ижтимоий ёрдамдан сиёсий мақсадларда фойдаланишга йўл қўйилмаслиги;

— ўзаро ёрдам беришнинг халқчил шаклларига ва анъаналарига таяниш;

— Ижтимоий ёрдамнинг миллий, диний мансублиққа, қайси тилда сўзлашишига, турар жойига, партиявийлигига ва судланганлигига боғлиқ эмаслиги.

II БОБ. КАМ ТАЪМИНЛАНГАН ФУҚАРОЛАРГА ИЖТИМОИЙ МАДАД БЕРИШНИНГ ДАВЛАТ ТИЗИМИ

7-модда. Кам таъминланган фуқароларга ижтимоий мадад беришнинг тизими шакллари тушунчаси

Ўзбекистон Республикасида кам таъминланган фуқароларга мадад бериш тизимининг асоси давлатнинг ушбу тоифадаги фуқароларга қуйидаги шаклда кўрсатадиган ёрдами ҳисобланади:

— ижтимоий, табиий ва коммунал хизмат кўрсатишда имтиёзлар бериш:

— энг зарур маҳсулотлар ва молларни тегишли сифатда арзонлаштирилган ижтимоий нархларда сотиб олиш ҳуқуқини бериш;

— тиббий-биологик меъёрлар бўйича имтиёзли овқатланиш ҳуқуқини бериш;

— давлат томонидан ҳар йили бир марта ёрдам бериш.

Ўзбекистон Республикасининг кам таъминланган фуқароларга ижтимоий давлат ҳокимияти ва бошқарувининг маҳаллий идоралари ва давлат ҳокимиятининг республика идоралари даражасида минтақавий хусусиятларни, халқларнинг ва миллатларнинг анъаналарини ҳисобга олган ҳолда амалга оширилади.

Ўзбекистон Республикасида кам таъминланган фуқароларга ижтимоий мадад бериш тизимига олий раҳбарлик қилиш Ўзбекистон Республикаси Президентининг ваколатига киради ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармонлари, бошқа меъёрий қўмиталар ва назорат тадбирлари орқали амалга оширилади. Жойларда худди шундай вазифалар ҳокимларнинг вазифаси ҳисобланади.

8-модда. Кам таъминланган фуқароларга ижтимоий мадад берувчи идоралар ва муассасалар

Кам таъминланган фуқароларни давлат томонидан рўйхатга олиш ва фуқароларга давлат томонидан мадад беришнинг барча шаклларини бевосита йўлга қўйиш Ўзбекистон Республикасининг барча даражадаги ижтимоий таъминот идоралари ва муассасалари томонидан амалга оширилади. Кам таъминланган фуқароларга ижтимоий мадад бериш идоралари ва муассасалари кенг ошкоралик асосида ва давлат ҳокимияти вакиллик идораларининг (халқ ноиблари), тегишли давлат муассасалари, касаба уюшмалари ва ҳайрия ташкилотлари иштирокидаги махсус давлат-жамоат комиссияси иштирокида фаолият кўрсатадилар.

9-модда. Кам таъминланган фуқароларни қўллаб-қувватлаш давлат фондлари

Кам таъминланган фуқароларни қўллаб-қувватлаш давлат фондлари маҳаллий ва республика даражасида тузилади ҳамда кам таъминланган фуқароларни ва уларнинг оила аъзоларини ижтимоий жиҳатдан қўллаб-қувватлашга доир тадбирларни пул билан таъминлашга мўлжалланади.

Кам таъминланган фуқароларга мадад бериш фондлари туманлар, шаҳарлар, вилоятлар, Қорақалпоғистон Республикаси, Ўзбекистон, Республикаси миқёсида, халқ депутатлари маҳаллий кенгашлари, Ўзбекистон Республикаси олий ижроия идораси томонидан белгилайдиган ҳажмда ҳосил қилинади. Фондларнинг маблағларидан фойдаланиш тартиби Ўзбекистон Республикаси давлат ҳокимиятининг олий ижроия идораси томонидан белгиланади.

10-модда. Давлатдан мадад олиш ҳуқуқига эга бўлган кам таъминланган фуқаро мақомини олиши

Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг кам таъминланган фуқаро мақомини олиши учун асос бўлиб унинг ўз ташаббуси билан, шунингдек **касаба уюшмаси ташкилоти**, маҳалла ёки квартал қўмитаси, меҳнат жамоаси, туман, шаҳар ҳокимининг ташаббуси билан маҳаллий ижтимоий таъминот идораларидан рўйхатдан ўтиши ҳисобланади. Кам таъминланган фуқаро мақоми шароитларга қараб 1 йилдан 3 йилгача муддатга берилади.

Давлат ижтимоий таъминот маҳаллий идораларининг зиммасига белгилаб қўйилган тегишли нормативлар, даромадлар тўғрисидаги декларация асосида, белгиланган тартибда мурожаат қилган фуқароларга ёрдам беришнинг хусусияти ва ҳажмини аниқлаш вазифаси юкланади.

Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг алоҳида кам таъминланган фуқаролар тоифасига мансублиги тартиби ва уларнинг давлат томонидан ижтимоий ҳимоялаш меъёрлари Ўзбекистон Республикаси давлат ҳокимияти олий ижроия идораси томонидан аниқланади. Ҳокимиятнинг маҳаллий идоралари фақат маҳаллий бюджет ва маҳаллий ресурслар ҳисобидан таъминланаётган кам таъминланган фуқароларнинг тоифасини белгилашгагина аниқликлар киритиш ҳуқуқига эгадирлар.

11-модда. Кам таъминланган фуқароларга ижтимоий, тиббий ва коммунал имтиёзлар

Ўзбекистон Республикасида кам таъминланган фуқароларга қуйидаги имтиёзлар берилади:

— даромад солиғини тўлашдаги имтиёзлар;

— шаҳарларда жамоат транспортидан (автобус, трамвай, троллейбус) фойдаланганлиги учун камайтирилган ҳақ;

— коммунал хизматлар учун, шу жумладан **сув**, электр энергияси, **иссиқлик энергияси** ва газ учун камайтирилган тўловлар;

— квартира ва ердан фойдаланганлиги учун камайтирилган тўловлар;

— айрим дори-дармонларнинг туширилган нархи;

— кам таъминланган фуқароларнинг болаларини ҳар йили бир марта кийимкечак ва пойабзал билан қўшимча равишда давлат томонидан таъминлаш.

Имтиёзларнинг ҳажми ва уларга мос келадиган кам таъминланган фуқароларнинг тоифасини Ўзбекистон Республикаси давлат ҳокимиятининг олий ижроия идораси аниқлайди.

Кам таъминланган ёлғиз фуқароларни дафн қилиш учун маҳалла, квартал қўмиталари, халқ депутатлари қишлоқ, овул кенгашларининг (оқсоқоллар) мурожаатига биноан маҳаллий бюджетдан давлат нафақалари ажратилади.

12-модда. Энг зарур маҳсулотлар ва моллар билан таъминлашдаги, умумий овқатланишдаги имтиёзлар

Ўзбекистон Республикасида кам таъминланган фуқароларга озиқ-овқат маҳсулотларини ва энг зарур молларни ижтимоий камайтирилган нархларда олиш ҳуқуқи кафолатланади. Шу мақсадда кам таъминланган фуқаролар ўртасида моллар ва маҳсулотларни таксимлашнинг адресли талон системаси тузилади, давлат маблағларни резервга ўтказади ва зарур маҳсулот ва моллар заҳирасини яратади, мулкчиликнинг барча шаклидаги корхоналар томонидан маҳсулот ва моллар ишлаб чиқарилишини ҳамда ижтимоий арзон нархларда сотилишини рағбатлантиради.

Ўзбекистон Республикасининг кам таъминланган фуқаролари ва уларнинг фарзандларига тиббий-биологик меъёрлар асосида умумий овқатланиш доирасида ижтимоий камайтирилган нархларда овқатланиш имконияти берилади ва бунинг учун марказлаштирилган ва маҳаллий давлат дотациялари ажратилади.

Давлат кам таъминланган фуқаролар учун, пулсиз ёки арзон овқатланиш шаклида меҳнат ҳақини тўлаш учун иш билан таъминлаш фондлари ҳисобидан ижтимоий ишларни уюштиради.

13-модда. Кам таъминланган фуқароларга йилда бир марта бериладиган давлат ёрдами

Йилда бир марта бериладиган давлат ёрдами кам таъминланган нафақахўрларга анъанавий халқ байрами Наврўз муносабати билан кам таъминланган пенсионерларга, Ўзбекистон Республикасининг Мустақиллик куни муносабати билан кам таъминланган оилаларнинг умумий таълим мактабларининг биринчи синфига борувчи фарзандларига берилади.

14-модда. Хўжалик фаолиятни амалга оширишда бериладиган имтиёзлар

Давлат банки ташкилотлари белгиланган марказлаштирилган маблағлар ва маҳаллий бюджет доирасида ўзларини ўзлари таъминлашлари учун шаҳар ва туман ҳокимиятлари, давлат корхоналари, хўжаликлар ва муассасалар орқали кам таъминланган оилаларга ўзларини ўзлари таъминлашлари учун, якка тартибдаги меҳнат фаолияти билан шуғулланишлари, ёрдамчи хўжалик юритишлари, ижарачиликнинг турли кўринишларини ҳам оилавий, ҳам ширкат йўли билан юритишлари учун ва хўжаликнинг бошқа кўринишларини юритишлари учун уларга имтиёзли қарзлар берилади.

Кам таъминланган фуқароларга якка тартибдаги меҳнат фаолиятлари учун имтиёзли шартларда патент олиш имконияти яратиб берилади ва патент учун ҳақ қийматининг 50 фоизигача кам тўланиб, қолган суммани бир йил мобайнида бўлиб-бўлиб тўлаш ҳуқуқи берилади.

15-модда. Кам таъминланган оилаларнинг фарзандларини ижтимоий ҳимоя қилиш

Маҳаллий бюджет, мулкчиликнинг барча кўринишидаги корхоналар ва хўжаликлар ҳисобидан кам таъминланган оилалардан чиққан болаларни кимга қарашли эканлигидан қатъи назар мактабгача тарбия болалар муассасаларида, уйлардаги болалар боғчаларида тарбиялаш учун дотациялар ажратилади. Шунингдек мазкур тоифадаги 14 ёшгача бўлган болалар учун мактабнинг буфет ва ошхоналарида кунда бир марта бепул овқатланишлар учун дотациялар берилади. Улар учун умумтаълим Жамғармасидан мактаб маъмурияти отаоналар қўмиталарининг иштирокида зарур кийим-бош, пойабзал ва ўқув йили учун керак бўлган ўқув қуроллари сотиб олинади.

Кам таъминланган оилаларнинг фарзандлари давлат маданият ва спорт муассасалари, шунингдек давлат томонидан тўлиқ ёки қисман таъминланувчи муассасаларга имтиёзли равишда кириш ҳуқуқидан фойдаланадилар.

Давлат бошқарув идоралари шу мақсадларда жойларда керакли товарлар заҳирасини тузишга кўмаклашадилар.

16-модда. Корхоналар, ташкилотлар ва муассасаларнинг кам таъминланган фуқароларни ижтимоий ҳимоя қилишда иштирок этиши

Ўз фаолиятини Ўзбекистон Республикаси ҳудудида амалга ошираётган корхоналар, муассасалар, ташкилотлар мулкчиликнинг шакл ва хўжалик юритишнинг туридан қатъий назар, кам таъминланган фуқаролар ва уларнинг оила аъзоларини ижтимоий ҳимоя қилиш давлат сиёсатининг амалга оширилишига кўмаклашадилар, жамоа шартномалари тизими орқали ходимлар ва уларнинг оила аъзоларига, шунингдек корхонанинг собиқ ишчиси бўлмиш кам таъминланган фуқаролар жумласига кирадиган пенсионерларга қўшимча ижтимоий ёрдамнинг ҳажми ва шаклларини белгилайдилар, ўз ҳисобидан кам таъминланган фуқароларга моддий мадад кўрсатаётган корхоналарнинг солиқ солинадиган базаси шунга мутаносиб тарзда камайтирилади.

17-модда. Ижтимоий арзон нархларда моллар ишлаб чиқувчи ва хизмат кўрсатувчи корхоналар фаолиятининг давлат томонидан рағбатлантирилиши

Ўзбекистон Республикаси давлат бошқаруви идоралари кам таъминланган фуқаролар ва уларнинг оилалари учун кенг истеъмол моллари ишлаб чиқарувчи ва ижтимоий камайтирилган нархларда сотувчи бироз ишлатилган харидоргир бўлмаган молларни йиғишни ва сотишни ташкил қилувчи мулкчиликнинг — турли қўринишидаги корхоналарига имтиёзли солиқ белгилайди; зарур хом ашё ва ресурслар олишларида уларга кўмаклашади.

III БОБ. КАМ ТАЪМИНЛАНГАН ФУҚАРОЛАРНИ ЖАМОАТЧИЛИК ҲИМОЯСИДА БЎЛИШИНИНГ ДАВЛАТ ТОМОНИДАН ҚЎЛЛАБ ҚУВВАТЛАНИШИ

18-модда. Маҳалла ва квартал қўмиталарининг, ўз-ўзини бошқарувчи бошқа коммунал идораларнинг ваколатлари

Маҳалла ва квартал қўмиталари, ўз-ўзини бошқарувчи бошқа коммунал идоралар кам таъминланган фуқароларга халқ томонидан ёрдам берувчи ва мадад кўрсатувчи асосий бўғин ҳисобланади. Шу мақсадларда улар банк муассасаларида меҳршафқат, хайрия жамғармалари тузишлари, энг зарур моллар ва маҳсулотларнинг заҳираларини ташкил қилишлари, бепул овқатланишни ташкил қилиш ва жамоат ишини йўлга қўйишлари, ўз ҳисобларидан хайрия ошхоналари, жамоа ёрдамчи хўжаликларига ва ижара бўлимларига, турли кўринишдаги кичик корхоналарга, жумладан, уй бекаларидан иборат касаначилик корхоналарига ногиронлар, пенсионерлар ва имтиёзли солиқ тўлаш ҳуқуқидан фойдаланадиган бошқа фуқаролар ишлайдиган корхоналар тузиш ҳуқуқига эгадилар.

19-модда. Кам таъминланган фуқаролар манфаати йўлидаги хайрия фаолияти

Кам таъминланган фуқаролар манфаати йўлида хайрия кўрсатиш Ўзбекистон Республикасида ижтимоий ёрдам объектлари ва шакллари очиқ бўлган тақдирдагина амалга оширилиши мумкин. Бу ҳуқуққа белгиланган тартибда рўйхатдан ўтган жамоат ва диний бирлашмалар, маҳалла ва квартал қўмиталари меҳнат жамоалари, ташаббускор гуруҳлар ва Ўзбекистон Республикасининг айрим фуқаролари эга. Шу мақсадда қонуний тарзда хайрия жамғармалари, уюшмалар, корхоналар тузилиши ва фаолият кўрсатиши мумкин. Ўзбекистон Республикаси давлат бошқарувининг идоралари бундай ҳуқуқий шахслар учун тегишли имтиёзли солиқларни белгилайди.

Хайрия ёрдамини сиёсий зўравонлик, миллий ва диний қарама-қарши қўйиш, жиноятқорона ишларга ундаш, жамоатчилик тартибини ва ахлоқини бузиш мақсадида ишлатишга йўл қўйилмайди. Давлат идоралари юқорида кўрсатилган меъёрларни бузмаган жамоат хайрия фаолиятларига аралашиш ҳуқуқига эга эмас.

IV БОБ. КАМ ТАЪМИНЛАНГАН ФУҚАРОЛАРГА МАДАД БЕРИШГА ХАЛҚАРО МУНОСАБАТ

20-модда. Ўзбекистон Республикасининг кам таъминланган фуқароларига чет элнинг хайрия ёрдами

Ўзбекистон Республикаси унинг давлат мустақиллиги ва Ўзбекистонда яшовчи халқларнинг миллий анъаналарига зид бўлмаган, сиёсий ва бошқа шунга ўхшаш шартлардан холи бўлган халқаро ва чет эл инсонпарварлик ёрдамини қабул қилади, бунда халқаро ҳуқуқнинг тегишли меъёларига мувофиқ тарзда зарур даражада давлат кафолатини беради, давлат кўмагини кўрсатади.

Давлат ҳокимияти ва бошқаруви идоралари қонуний тартибда Ўзбекистон Республикасининг аҳолисига ёрдам бериш тўғрисидаги халқаро, ҳукуматлараро пактлар, шартномалар, келишувларни тузишга протоколлар ва ўзга ҳуқуқий ҳужжатларни халқаро ташкилотлар ва чет эл давлатларининг истакларини ҳисобга олган ҳолда имзолашга ҳақлидирлар.

Шунингдек, давлатга тегишли бўлмаган халқаро ва жамоат ташкилотлари билан хайрия ёрдами кўрсатиш тўғрисидаги шартномавий ҳужжатларни республикамизнинг жамоат хайрия ташкилотлари тузишлари мумкин. Бундай ҳолда бериладиган халқаро ёрдамнинг миқдори ва мазмуни Ўзбекистон Республикаси давлат бошқаруви идоралари билан келишиб олинади.

21-модда. Ўзбекистон Республикаси ҳудудида истиқомат қилувчи бошқа давлатнинг кам таъминланган фуқароларини ва иккита фуқаролиги бўлган шахсларни ижтимоий ҳимоя қилиш

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида истиқомат қилувчи бошқа давлатнинг кам таъминланган фуқаролари ва иккита фуқаролиги бўлган шахслар, қайси давлат фуқароси бўлсалар ўша давлатнинг ижтимоий ёрдамини олиш ҳуқуқидан фойдаланадилар.

Фуқароларнинг бундай тоифаларига ёрдам кўрсатиш тартиби давлатларнинг тегишли икки томонлама келишувлари асосида амалга оширилади.

V БОБ. ҚОНУННИНГ БАЖАРИЛИШИНИ НАЗОРАТ ҚИЛИШ ВА ЖАВОБГАРЛИК

22-модда. Қонуннинг бажарилиши учун жавобгарлик

Кам таъминланган фуқароларни ижтимоий ҳимоя қилиш тўғрисидаги Ўзбекистон Республикаси қонунларини бузган мансабдор, ҳуқуқий шахслар ва фуқаролар тегишли қонунларда белгиланган тартибда жавобгарлар бўладилар.

Ўзбекистон Республикасининг фуқаролари даромадлар даражаси ва кам таъминланганлик тўғрисидаги бошқа кўрсаткичларга доир ҳужжатларни соҳталаштирганлик учун жиноят қонунларига мувофиқ жавобгарликка тортиладилар.

Халқаро инсонпарварлик ёрдамининг молларини, кам таъминланган фуқароларга мўлжалланган молларни ўғирлаш ва сотишга Ўзбекистон Республикасида оғир оқибатларга олиб келувчи жиноят сифатида кўриб чиқилади.

23-модда. Қонуннинг амалга оширилишини назорат қилиш

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида мазкур Қонуннинг бажарилишини назорат қилишни Ўзбекистон Республикаси прокуратура идоралари амалга оширадилар.

● **Республика Қизил ярим ой жамияти энг оммавий меҳр-шафқат ташкилотидир. У ўз сафида саккиз миллиондан зиёд кўнгиллик аъзоларни бирлаштирган. Ўзбекистон мустақил давлат сифатида тан олинганлиги ушбу жамият Халқаро Федерацияга аъзо бўлишига ҳуқуқий асос бўлди. Куни-кеча Ўзбекистон Республикаси Президентининг ушбу жамият тўғрисида қабул қилган Фармони айни муддао бўлди. Бу фармон ғамхўрликнинг бир белгиси.**

Бугун Тошкентда Ўзбекистон Республикаси Қизил ярим ой жамиятининг навбатдан ташқари XVII съезди очилади Шу муносабат билан мухбиримиз Ўзбекистон Республикаси Қизил ярим ой жамияти Марказий Қўмитаси раиси Ўктамхон Толиповна ВОҲИДОВА билан суҳбатлашди.

• БИЗНИНГ СУҲБАТ •

МУРУВВАТ ЧАШМАСИ

—Жамият тараққиёт йўллари ва инсонпарварлик ғояларига садоқатини ифодаловчи мисоллар кўпчиликни қизиқтириши шубҳасиз. Шу ҳақда гапириб берсангиз?

— Албатта, бу ташкилот ҳам ўз тараққиёт тарихи давомида Қизил хоч ва Қизил ярим ой ҳаракати олдида турган вазифаларни амалга оширишда маълум тажрибага эга бўлди. Энг оммавий меҳр-шафқат ташкилоти бўлган Қизил ярим ой жамияти дастлабки даврданоқ давлатга кўпгина ижтимоий масалаларни ҳал этишда яқиндан ёрдам берди. У доимо инсон ҳаёти, сиҳат-саломатлиги ва қадр-қимматини ҳимоя қилди, энг оғир дамларда унга ёрдамга ошиқди.

1925—30 йилларда Ўзбекистонда очарчилик авж олган, турли юқумли касалликлар тарқалган пайтда Жамият фаоллари жамоат овқатланиш пунктлари, ҳаммомлар, кир ювиш хоналари, сартарошхоналар очишди. Дастлабки тиббий ёрдам кўрсатиш курслари ташкил этишди. Ичтерлама ва вабо касаллигига қарши кураш отрядлари тузишди. Она ва болаликни сақлаш марказларини ташкил этдилар. Шифохона ва поликлиникалар қуришга ёрдам беришди. Бу ишларнинг барчаси Ўзбекистон ҳукумати томонидан қўллаб-қувватланди. У пайтда жамиятнинг фахрли раиси Йўлдош Охунбобоев бўлган эди. Бугуни кунда унинг шарафига Йўлдош Охунбобоев номли медал таъсис қилмоқчимиз. Бу нишонни Ўзбекистон Қизил ярим ой жамияти тараққиётига катта ҳисса қўшган фаолларга бериш ниятидамиз.

Улуғ Ватан уруши йилларида ташкилотимизнинг инсонпарварлик ва меҳр-шафқат ғояларига садоқати жиддий синовдан ўтди, дейиш мумкин. Уруш йилларида ташкилотимиз минглаб медицина ҳамширалари, санитар дружиначилари, санитар инструкторлар ва санитарларни тайёрлади. Жанг майдонларидан республикамизга кўчириб келтирилган госпиталларда 230 нафар медицина ҳамшираси ва икки минг нафар сандружиначи ярадорларга хизмат кўрсатди. 17 мингдан зиёд жамият фаоллари госпиталларда навбатчилик қилдилар. Минглаб санитаркалар бевосита жанг майдонларидан ярадор солдатларни олиб чиқиб, уларга биринчи тиббий ёрдам кўрсатдилар. Санитар поездларида уларни парвариш қилдилар.

— Халқимиз бугунги кунда бозор муносабатларига ўтиш даври қийинчиликларини бошидан кечирмоқда. Ана шу мураккаб шароитда Жамият фаолиятида қандай ўзгаришлар рўй бермоқда?

— Бугунги кунда республикамиз мустақиллик йўлидан бораётган, бозор муносабатларига ўтилаётган бир шароитда жамият ўз фаолиятини тобора жонлантирмоқда.

Маълумки, қуролли тўқнашувлар пайтида, табиий офат ва экологик талофатлар юз берганда, турли юқумли касалликлар кенг тарқалганда шунингдек, иқтисодий беқарорликлар юз берганда аҳолига меҳр-шафқат ёрдамини кўрсатиш жамиятнинг асосий вазифаси бўлган ва шундай бўлиб қолади. Кейинги икки йил мобайнида табиий офат рўй берган Андижон, Наманган, Тошкент, Қашқадарё вилоятлари, Қорақалпоғистон Республикаси, Тожикистон, Бошқирдистон, Арманистон, Грузия ҳамда Руминия, Эрон, Хитой ва Туркия давлатлари аҳолисига инсонпарварлик ёрдами берилди. Қирғизистон, Фарғона, Андижон ва Тошкент вилоятларида рўй берган фожиали воқеалар натижасида зарар кўрган аҳолига ҳам ёрдам қўлини чўздик.

1989 йилда уруш ва меҳнат ногиронлари, кекса ёлғиз фуқароларга тиббий-ижтимоий ва маиший ёрдам кўрсатиш мақсадида меҳр-шафқат хизмати ташкил этилганлиги жамият ҳаётида муҳим воқеа бўлди.

Беминнат донорчиликни тарғиб этиш бугунги кунда ҳам жамият фаолиятининг асосий йўналишларидан бири. Ҳозирги кунда республика даволаш муассасаларида фойдаланилаётган қоннинг 89 фоизини Қизил ярим ой жамияти етказиб бермоқда. Бироқ бу соҳада ҳам маълум қийинчиликларга дуч келинмоқда. Кези келганда шуни айтиш керакки, «Донорчилик тўғрисидаги Қонун»ни қабул қилишни тезлаштириш мақсадга мувофиқдир. Чунки бу Қонунда донорларга қатор имтиёзлар кўзда тутилган.

— Қизил ярим ой жамияти кишилар саломатлигини сақлаш ва ўсиб келаётган ёш болаларни санитария гигиена руҳида тарбиялаш соҳасида қандай ишларни амалга оширмоқда?

— Бу ҳайрли ишни жамият ўзининг бошланғич ташкилотлари орқали амалга оширмоқда. Улар республикамиздаги деярли барча мактаблар, ўрта ва олий ўқув юртларида ташкил этилган «Ғамхўрлик», «Меҳрибонлик» отрядлари, «Меҳр-шафқат» синфлари ана шулар жумласидандир Болаларнинг бу соҳадаги назарий ва амалий билимларини синаб кўриш учун ҳар йили район, шаҳар, вилоят ва республика мусобақалари, «Саломатлик ёш дўстлари», «Ёш меҳр-шафқат ҳамширалари танлови» слётлари мунтазам ўтказилмоқда.

Мурувват чашмаси деб номланган жамиятимиз томонидан етим-есирларга, ногирон болаларга ва кўп болали оилаларга мунтазам ёрдам кўрсатилмоқда. Бундан ташқари Афғонистонда ҳалок бўлган жангчилар фарзандларига омонат дафтарчалари очилган. Улар то балоғат ёшига етгунча ҳар йили 50 сўмдан омонат дафтарчасига пул ўтказиб турилади.

Жамият кейинги йилларда Орол бўйи аҳолисига ҳам катта ёрдам кўрсатмоқда. Бу ерда яшовчи болалар ва оналарни соғломлаштиришни ташкил этиш, аҳолини сифатли ичимлик сув, болалар озиқ-овқати, дори-дармонлар билан таъминлашга алоҳида эътибор бериляпти.

— Жамиятнинг халқаро миқёсдаги фаолияти ва келгусидаги режалари ҳақида ҳикоя қилсангиз.

— Кейинги йилларда жамиятнинг халқаро миқёсидаги фаолияти анча кенгайди. Қатор чет эл мамлакатларининг миллий жамиятлари билан бевосита алоқалар ўрнатилди. Чунончи Олмония Қизил хочи билан келишувга мувофиқ Қорақалпоғистон Республикаси Тахтакўпир райони аҳолиси учун катта қувватга эга бўлган сувни тозалаш ускунаси сотиб олиш учун тўрт миллион марка аждратиш тўғрисида шартнома имзоланди. Халқаро Федерация ва Халқаро Қизил крести вакиллари билан бевосита мулоқот натижасида Ўзбекистон учун камёб дори-дармонлар, тиббиёт асбоб-ускуналаридан иборат меҳр-шафқат ёрдами олишга муваффақ бўлинди. Ана шундай юклар Японияндан ҳам келтирилди.

Республикамиз мустақиллик йўлидан бораётгани Қизил ярим ой жамияти Ўзбекистон ҳудудида ягона ташкилот сифатида тан олинишига имкон беради. Бу эса Жамиятнинг мақомини белгилаш ҳуқуқига асос бўлади. Жамиятимиз янги мақомга эга бўлиши эса унинг фаолиятига кенг истиқболлар очиши билан бирга зиммамизга катта масъулият ҳам юклайди. Биз ўз ишимизни халқаро талаблар даражасида, жамият дастурида эълон қилинган: инсонпарварлик, одиллик, мустақиллик, холислик, кўнгиллилик, бирлик каби принциплар асосида ташкил этишимизни тақозо этади.

Суҳбатдош:
М. МИРЗАМУҲАМЕДОВА.

• *Тўйхат ўрнида*

СЕРҚИРРА ИЖОДКОР

Кейинги пайтда давлат томонидан берилган унвонлар-у мукофотлар ҳақида паст-баланд гаплар юрипти. Ўзбекистон Республикаси халқ артисти, Ҳамза номидаги Давлат мукофоти соҳиби, Ўзбекистон Халқ академиясининг ҳақиқий аъзоси, Мухтор Ашрафий номидаги Тошкент консерваториясининг профессори Сайфи Жалилни эса мен бундай иззат-икромга тўла ҳаққи бор, деб ҳисоблайман. Чунки, уни халқимиз севади, санъатсевар мухлислар ардоқлайдилар. Бастакор Сайфи Жалил ўзининг оҳанграбо куйлари билан қалбларга ором бағишламоқда, дилбар қўшиқлари билан кишиларни кўтаринки меҳнатга руҳлантирмоқда.

Сайфи Жалил — серқирра ижодкор. У тинимсиз изланиши, ўқиб-ўрганиши туфайли миллий замонавий мусиқамиз равнақига баракали ҳисса қўшиб келаётир. Санъаткор ҳудо берган истеъдоди билан ҳеч қачон чекланиб қолгани йўқ. У халқимизнинг бой миллий мусиқа хазинасини пухта тадқиқ этиб, унга ижодкорона ёндашган ҳолдагина халқимиз дидига мос, улар кўнглини топа оладиган асарлар ёзиш мумкинлигини жуда эртатушунди. Сайфи Жалилнинг «Қалбимда», «Кечалар юлдуз санаб», «Келмаса келмасун, нетай» сингари чолғу асарлари ва қўшиқларини ким билмайди, дейсиз. Ҳақиқий ижодкор бир ерда тўхтаб қолмайди. Қўшиқчилик ва кичик жанрдаги мусиқа асарлари яратишда муайян тажриба тўплаган Сайфи Жалил кейинчалик ўзини турли саҳна асарларига куй басталашда синаб кўрди. Натижа ёмон чиқмади. Муқимий номли театрда саҳналаштирилган «Навоий Астрободда», «Қалам қошлигим», «Кампир кетармиш» каби мусиқали драма ва комедиялардаги бир қатор ария ва дуэтларни ҳалиҳануз мухлислар хиргойи қилиб юришади. Шубҳасиз, фақат халқчил асарларгина шундай бўлади.

Очиғи, Сайфи Жалил саҳна асарларига мусиқа басталашни мураккаб, катта жанрдаги полотнолар яратишга ўтишида бир кўприк деб ҳисобларди. 1986 йилда саҳна юзини кўрган «Зебуннисо» операси шу уринишнинг меваси бўлди.

Опера ўзига хос муқаддима билан бошланади. Муҳташам театр чироқлари ўчиши билан бутун зал узра машҳур «Самарқанд ушшоғи» («Инжост») баланд пардаларда янграйди. Бу қўшиқ шоҳ қизи ва шоира Зебуннисонинг туғёни, давр кажрафторидан чеккан азоб-уқубатларининг нидосидир. Бу қўшиқ операнинг руҳини, мусиқасининг тилини белгилаб беради. Биз уни тинглар эканмиз, қулоғимиз остида ҳинд, араб, форс, ўзбек куйлари асосида яратилган хилма-хил қўшиқлар, ариялар, ариозалар жаранглайди. Бу куйлар бизга, бизнинг миллий руҳимизга яқин бўлгани учун ҳам уни қалбан ҳис этамиз, ўзимизники деб қабул қиламиз. Шу боисдан ҳам «Зебуннисо» операси олти йилдан бери Алишер Навоий номидаги Катта академик театр саҳнасидан тушмай, тўхтовсиз қўйилиб келинмоқда.

Забардаст бастакор умр дафтарининг олтмиш йилини босиб ўтди. Биз қисқагина тўйхатимизда унинг ижодига хиёл назар ташладик, холос. Унинг жамоат ишларидаги фаолияти, мураббийлик хизмати ҳам таҳсинга лойиқ. Аминмизки, Сайфи Жалилнинг шоҳ асарлари яратиладиган онлар ҳали кўп бўлади. Унга ҳозир, бўш келманг, ўзбек миллий мусиқаси ривожи йўлида, уни тараққий этган мамлакатлар санъати даражасига олиб чиқишда баракали ижод қилаверинг, деймиз.

Э. ХУЖАЕВ.

«ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ» РЎЗНОМАСИНИНГ

ЖАРЧИНОМАСИ

МУБОРАКБОД

ФАҲМИДДИН ХЎЖАЕВ НОМИДАГИ ТОШКЕНТ ПОЙАФЗАЛ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ БИРЛАШМАСИ

МЕҲНАТ ЖАМОАСИ ИСЛОМ ОЛАМИНИНГ МУҚАДДАС БАЙРАМИ — ҚУРБОН ҲАЙИТИДА ҲАЖ САФАРИГА ЙЎЛ ОЛГАН БАРЧА МУСУЛМОНЛАРНИ САМИМИЙ МУБОРАКБОД ЭТАДИ

Ҳурматли улуғ сафар қатнашчилари! Барчангизнинг ибодатингизни Аллоҳ даргоҳида қабул қилган бўлсин. Сизлар мушарраф бўладиган каромат савоблари бутун Ўзбекистонимиз узра халқимизга ва биз пойафзалчиларга ҳам ёғилиб турсин. Аллоҳу Акбар!

Корхонамизда тайёрланган гўзал маҳсулотларимиз сизларга манзур бўлиб, харид этганлигингиздан беҳад хурсандмиз.

Бирлашмамиз бир йилда 120 хил турда 6,5 миллион жуфт пойафзал тайёрлаб чиқармоқда ва улар харидорларга маъқул бўлмоқда. Сифати жуда ҳам яхшиланган маҳсулотларимизнинг бозори чаққон. Тинимсиз изланиш ва меҳнатимиз билан Ўзбекистон аҳолисининг талабини қондириш олий мақсадимиздир.



Манзилгоҳ:
Тошкент шаҳри,
Яккасарой
ноҳияси,
Бобур кўчаси,
6-уй.
Телефонлар: (3712),
55-75-86, 54-38-97.

ЎТГАНЛАРНИНГ ОХИРАТИ ОБОД БЎЛСИН!

Ўзбекистон Республикаси Олий ва Ўрта махсус таълим вазирлиги вазир ўрдамчиси М. Сайдумаровга отаси

Ғозихон САЙДУМАРОВнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Енгил саноат моллари ишлаб чиқарадиган Ўзбекистон давлат уюшмаси жамоаси Бухородаги корхоналар кенгашининг раиси, Бухоро ипгазлама ишлаб чиқариш бирлашмасининг бош директори А. И. Фозиловга акаси

Олим ФОЗИЛОВнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Ўзбекистон автомобиль транспорти вазирлиги ҳайъати ва касаба уюшмаси қўмитаси вазирлигининг собиқ режалаштириш-иқтисод бошқармаси бошлиғи, меҳнат фахрийси

Азим Назарович НАЗАРОВнинг

вафот этганлигини чуқур қайғу билан билдириб, марҳумнинг оила аъзоларига таъзия изҳор қилади.

Наманган вилояти енгил саноат корхоналари жамоалари ва директорлар кенгаши аъзолари енгил саноат моллари ишлаб чиқариш Ўзбекистон давлат уюшмаси раиси Ў. Қ. Исмоиловга муҳтарама оналари

Ихтиборхон ИСМОИЛОВАнинг

вафотлари муносабати билан чуқур таъзия изҳор этадилар. Сизга ва оила аъзоларингизга шундай оғир кунларда Яратгандан сабр ва бардош тилайдилар.

«ОЙНАИ ЖАҲОН»ДА КЎРИНГ

1 – 7 июнь

1, душанба

ЎзТВ I

18.00 Янгиликлар. 18.10 «Чамандаги гуллармиз». Халқаро болаларни ҳимоя қилиш кунига бағишланади. 19.00 «Ўзбекистон» ахбороти (рус тилида). 19.20 М. Турғунбоева номидаги Ўзбек Давлат «Баҳор» халқ рақс ансамблининг концерти. 19.50 «Инсон ва қонун». 20.30 «Ўзбекистон» ахбороти. 20.55 Тижорат хабарлари. 21.00 «Қайтар дунё». Телеспектакль. 22.10 «Ямбуй ажинаси». Бадиий фильм.

ЎзТВ II «ТОШКЕНТ» СТУДИЯСИ КЎРСАТАДИ

18.30 Болалар учун. «Совға». 19.00 «Ассалому алайкум» (такрор). 20.00 «Лаҳза». Хабарлар. 21.10 «Болалар». 22.40 «Исмингни унутма» Бадиий фильм.

ОРБИТА IV I КАНАЛ ОСТАНКИНО

4.55 Кўрсатувлар тартиби. 5.00 Якунлар. 5.45 «Тонг». 8.00 Янгиликлар. 8.20 «Тарихнинг муҳим даврларида рукнида: «Зое кетган пақтни излаб». Ҳужжатли фильм. 8.40 «Улиқ малика ва етти баҳодир ҳақида эртак». Мультфильм. 9.10 «Театр—92». «Наврўз». 10.10 «Брэйн-ринг». 11.00 Янгиликлар.

13.05 Кўрсатувлар тартиби. 13.10 «Телемикст». 13.55 «Ён дафтар».

14.00 Янгиликлар. 14.20 Кўрсатувлар тартиби. 14.25 «Бу бўлган, бўлгонди». 14.40 «Ошиқ балиқча». Телевизион бадиий фильм. 15.55 «Хўжа Насриддин» (Туркия). 16.05 Болалар телевидениесининг ассоциацияси таништиради: «Чаборок» (Минск). 16.45 «Келажакка назар ташлаб». 17.00 Янгиликлар. 17.20 «НЭП». 17.45 «Футбол шарҳи». 18.10 Ойнаи жаҳонда биринчи марта. «Денгиз бўйидаги воқеа». Бадиий фильм («Ленфильм). 19.45 «Хайрли тун, кичкинтойлар!» 20.00 Янгиликлар. 20.20 «Кечки альбом». К. Некрасова. 20.40 «Матбуот клуби». Танаффус пайтида — (23.00) — Янгиликлар. 00.15 «Ошиқ балиқча». Телевизион бадиий фильм.

2, сешанба

ЎзТВ I

7.00 «Ўзбекистон» ахбороти. 7.25 «Коним эрурсан, қўшиқ». Республикада хизмат кўрсатган артист Шокиржон Эргашев. 8.05 «Хотиржамлик бекор қилинади». Бадиий фильм. 9.25 Ўзбек тилини ўрганамиз. 9.55 «Ёшлик» студияси кўрсатади. «Тележарида». 10.40 «Касблар ҳақида ҳикоялар».

18.00 Янгиликлар. 18.10 «Ўрмон қолиби». Мультфильм. 18.20 «Тил — маданият кўзгуси». 19.00 «Ўзбекистон» ахбороти (рус тилида). 19.20 «Қадрият». 19.50 «Спортлото». 19.55 «Сулнчим — шеърият». Саноабар Тошхўжаева. 20.30 «Ўзбекистон» ахбороти. 20.55 Тижорат хабарлари. 21.00 «Хотира». Ўзбекистон халқ артисти Эргаш Йўлдошев. 22.10 «Дипломли қаллоб». Бадиий фильм.

ЎзТВ II

10.30 «Анъана ва урф-одатлар». Кинопрограмма. 11.20 Мактаб ўқувчилари учун «Санъат ғунчалари». 11.50 «Кахановкалик артист». Бадиий фильм.

«ТОШКЕНТ» СТУДИЯСИ КЎРСАТАДИ

18.30 «Коинот фақат одамлар учун эмас». Телефильм. 18.50 «Аудит» нима қилиши мумкин? 19.15 «Аёл қалби». Ўзбекистон халқ артисти Л. Грязнова. 20.00 «Бу оқшомда» кўрсатуви саҳифаларида. 21.30 Реклама. «Кинонигоҳ».

ОРБИТА IV I КАНАЛ ОСТАНКИНО

4.55 Кўрсатувлар тартиби. 5.00 Янгиликлар. 5.35 «Тонг». 7.50 Эрталабки гимнастика. 8.00 Янгиликлар. 8.20 «Бойлар ҳам йиғлайди». Кўп серияли телевизион бадиий фильм. 8.50 Мультфильмлар. 9.25 «Денгиз бўйидаги воқеа». Бадиий фильм. 11.00 Янгиликлар.

13.30 Кўрсатувлар тартиби. 13.35 «Қишлоқдан бир назар. Омон қолиш керак». 14.00 Янгиликлар (сурдо таржимаси билан). 14.20 Кўрсатувлар тартиби. 14.25 Ольга Иванова сабоқлари. 14.40 Халқ куйлари. 14.55 «Дубровский». Тўрт серияли телевизион бадиий фильм (А. С. Пушкин қиссаси асосида). 1-серия. 15.50 «Хордиқ чиқар». 16.15 «Болалар мусиқий клуби». 17.00 Янгиликлар. 17.20 «Ер юзи куни». Халқаро экологик кўрсатув. 17.35 «Русский север» ансамблининг концерти. 18.05 «Хонаки сиёсий суҳбатлар». 18.35 «Бойлар ҳам йиғлайди». Кўп серияли телевизион бадиий фильм премьераси. 19.00 «Мавзу». 19.45 «Хайрли тун, кичкинтойлар». 20.00 Янгиликлар. 20.20 «Доктор Тейран». Уч серияли телевизион бадиий фильм премьераси. 1-серия. 21.55 «Фермата». Ахборот-мусиқий кўрсатув. 22.15 «Беш ғилдирак». 22.45 Халқаро конкурс лауреати Юрий Корчинский чалади. (Скрипка). 23.00 Янгиликлар. 23.35 Кўрсатувлар тартиби. 23.40 Оммабоп эстрада рақс Халқаро фестивали. 00.40 «Дубровский». Тўрт серияли телевизион бадиий фильм. 1-серия.

3, чоршанба

ЎзТВ I

7.00 «Ўзбекистон» ахбороти. 7.25 «Кекса санъаткорлар». Ака-ука Шариповлар. 8.00 «Изтопар». Бадиий фильм. 9.30 Араб тили. 10.00 «Ёшлик» студияси саволларингизга жавоб беради.

18.00 Янгиликлар. 18.10 «Маҳмадона». Мультфильм. 18.20 «Фан». Телеойнома. 19.00 «Ўзбекистон» ахбороти (рус тилида). 19.20 «Тадбиркорлар ҳузурида». 19.40 «Аралаш». Ҳажвий киножурнал. 19.50 «Мерос». Исҳоқхон Ибрат. 20.30 «Ўзбекистон» ахбороти. 20.55 Тижорат хабарлари. 21.00 «Мулоқот». Кўрсатувда Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши раиси Ш. М. Йўлдошев иштирок этади. 21.40 Юлдуз Усмонова куйлайди.

ЎзТВ II

10.30 Ш. Бошбеков. «Эски Жўва гаврошлари». Й. Охунбобоев номидаги Ёш томошабинлар театрининг спектакли. 12.10 «Ҳаёт билан ҳамнафас». Телефильм. 12.40 «Килиан бобо ва мен». Бадиий фильм.

«ТОШКЕНТ» СТУДИЯСИ КЎРСАТАДИ

18.30 «Уолт Дисней» таништиради». Мультфильмлар тўплами. 19.20 «Спринт». 19.40 Узбекистонда хизмат кўрсатган артист Шацкийнинг ижодий кечаси. 21.10 «02» тўлқинида. 21.30 «Ёшлик оқшоми». 22.10 «Клиника». Бадиий фильм.

ОРБИТА IV I КАНАЛ ОСТАНКИНО

4.55 Кўрсатувлар тартиби. 5.00 Янгиликлар. 5.35 «Тонг». 7.50 Эрталабки гимнастика. 8.00 Янгиликлар. 8.20 «Бойлар ҳам йиғлайди». Кўп серияли телевизион бадиий фильм. 9.10 «Чеҳрасига бир қаранг» рукнида: «Устоз». Телевизион ҳужжатли фильм. 9.25 «Доктор Тейран». Уч серияли телевизион бадиий фильм. 1-серия. 11.00 Янгиликлар.

13.05 Кўрсатувлар тартиби. 13.10 «Телемикст». 13.55 «Ён дафтар». 14.00 Янгиликлар (сурдо таржимаси билан). 14.20 «Таймир ярим ороли». Телевизион ҳужжатли фильм премьераси. 14.55 «Дубровский». Тўрт серияли телевизион бадиий фильм. 2-серия. 16.00 «Рок—макс». 17.00 Янгиликлар. 17.20 «Ер юзи куни». Халқаро экологик кўрсатув. 17.45 «Қишлоқ хроникаси». 18.05 «Бойлар ҳам йиғлайди». Кўп серияли телевизион бадиий фильм премьераси. 18.30 Останкино концерт студиясида ёзувчи В. Войнович билан учрашув. 19.45 «Хайрли тун, кичкинтойлар!». 20.00 Янгиликлар. 20.20 Кўрсатувлар тартиби. 20.25 «Доктор Тейран». Уч серияли телевизион бадиий фильм премьераси. 2-серия. 22.00 «Фаберже мавзуида фантазиялар». Телевизион ҳужжатли фильм премьераси. 22.10 «Васваса». Катталар учун мультфильм. 22.25 Россия—Италия. Эстрада юлдузлари концерти — Футбол матчи. Танаффус пайтида (23.00). Янгиликлар. 00.05 «Дубровский». Тўрт серияли телевизион бадиий фильм. 2-серия.

4, пайшанба

ЎзТВ I

7.00 «Ўзбекистон» ахбороти. 7.25 Дуторчи қизлар ансамбли концерти. 8.00 «Мафтунингман». Бадиий фильм. 9.20 Турк тили. 9.50 Болалар учун. «Ўйна, Назокат». 10.10 «Бола бошидан». Мактабгача тарбия масалалари.

18.00 Янгиликлар. 18.10 «Сенинги, шошмай тур!» Мультфильм. 18.25 Болалар учун «Мусиқа сеҳри». 19.00 «Ўзбекистон» ахбороти (рус тилида). 19.20 «Экран таништиради». 20.00 «Пахтакорларнинг долзарб вазифалари». 20.30 «Ўзбекистон» ахбороти. 20.55 Тижорат хабарлари. 21.00 «Санъат усталари». Ўзбекистон халқ артисти Матёқуб Раҳимов. 21.55 Ойнаи жаҳонда биринчи марта. «Темир хотин». Бадиий фильм.

ЎзТВ II «ТОШКЕНТ» СТУДИЯСИ КЎРСАТАДИ

18.30 «Доктор, мени тузатинг». Телефильм. 19.00 «Бумеранг». 19.30 «Пойтахт концерт залларида». 20.00 «Пульс». Хабарлар. 20.10 «Бу оқшомда». 21.40 «Пульс». Хабарлар. 21.50 Реклама. ««Кинонигоҳ».

ОРБИТА IV I КАНАЛ ОСТАНКИНО

4.55 Кўрсатувлар тартиби. 5.00 Янгиликлар. 5.35 «Тонг». 7.50 Эрталабки гимнастика. 8.00 Янгиликлар. 8.20 «Бойлар ҳам йиғлайди». Кўп серияли телевизион бадиий фильм. 9.10 «Дуч келган жойдан». Мультфильм. 9.25 «Доктор Тейран». Уч серияли телевизион бадиий фильм. 2-серия. 11.00 Янгиликлар.

12.50 Кўрсатувлар тартиби. 12.55 «Телемикст». 13.40 «Ён дафтар». 13.45 «Ер юзи куни». Халқаро экологик кўрсатув. 14.00 Янгиликлар (сурдо таржимаси билан). 14.20 «Бугун ва ўша пайтларда». 14.50 «Дубровский». Тўрт серияли телевизион бадиий фильм премьераси (Польша). 17.00 Янгиликлар. 17.20 Кўрсатувлар тартиби. 17.25 ...«Ун олти ёшгача ва ундан катталар». 18.05 «Бойлар ҳам йиғлайди». Кўп серияли телевизион бадиий фильм премьераси. 18.30 «Марк Захаровнинг мулозимлари...» 19.45 «Хайрли тун, кичкинтойлар». 20.00 Янгиликлар. 20.20 Кўрсатувлар тартиби. 20.25 «Доктор Тейран». Бадиий фильм. 3-серия. 22.00 «Тасвирдаги сурат». В. Белов. 22.40 «Орловский сувенир» ансамбли ижро этади. 22.55 Кўрсатувлар тартиби. 23.00 Янгиликлар. 23.35 «Овозли йўлка». 00.05 «Муҳофаза ёрлиғи». 00.35 «Дубровский». Бадиий фильм. 3-серия.

5, жума

ЎзТВ I

7.00 «Ўзбекистон» ахбороти. 7.25 Гулбаҳор Эрқулова куйлайди. 8.15 «Оилавий ҳаётдан лавҳалар». Бадиий фильм. 9.35 Инглиз тили. 10.05 «Ёшлик» студияси кўрсатади. «Нишона». 10.50 Хор куйларидан концерт.

18.00 Янгиликлар. 18.10 «Табиатни асрайлик». Мультфильм. 18.20 Мактаб ўқувчилари учун. «Қўшиғим — жон қўшиғим». 19.00 «Ўзбекистон» ахбороти (рус тилида). 19.20 «Чорвадор». 19.50 «Навоийхонлик». 20.30 «Ўзбекистон» ахбороти. 20.55 Тижорат хабарлари. 21.00 Мумтоз куйлардан концерт. 21.50 Экология ва саломатлик. Атроф-муҳитни муҳофаза қилиш Халқаро кунига бағишланади. 22.50 Жаноб «Р». Бадиий фильм.

ОРБИТА IV I КАНАЛ ОСТАНКИНО

4.55 Кўрсатувлар тартиби. 5.00 Янгиликлар. 5.35 «Тонг». 7.50 Эрталабки гимнастика. 8.00 Янгиликлар. 8.20 «Бойлар ҳам йиғлайди». Кўп серияли телевизион бадиий фильм. 8.45 Москва триоси чалади. 9.05 «Инжиқ қиз». Мультфильм. 9.25 «Доктор Тейран». Уч серияли телевизион бадиий фильм. 3-серия. 11.00 Янгиликлар. 11.20 «Саёҳатчилар клуби» (сурдо таржимаси билан).

13.05 Кўрсатувлар тартиби. 13.10 «Бридж». 13.40 «Бизнес-класс». 13.55 «Ён дафтар». 14.00 Янгиликлар (сурдо таржимаси билан). 14.20 Кўрсатувлар тартиби. 14.25 «Меломанга совға». 14.55 «Дубровский». Бадиий фильм. 4-серия. 16.00 «Талантлар ва мухлислар». 16.50 Мультфильм. 17.00 Янгиликлар. 17.20 Кўрсатувлар тартиби. 17.25 «Инсон ва қонун». 17.55 «Ленкеберглик Эмиль». Болалар учун кўп серияли телевизион бадиий фильм премьераси. 9-серия (Швеция). 18.20 «ТВ-Нева». «Ким биз билан?». 18.40 «Эҳтиётлик билан». Телевизион ҳужжатли фильм премьераси. 19.15 «Театрда хотин киши» Ярославль фестивали. «Кулги билан...» «Унисон» комик-группаси. 19.45 «Хайрли тун, кичкинтойлар!» 20.00 Янгиликлар. 20.20 Кўрсатувлар тартиби. 20.25 «Гжель жилолари». Телевизион ҳужжатли фильм. 20.40 ВИД таништиради, «Мўъжизалар майдони», «Музобоз», «Х» программаси, «Сиёсий бюро». 00.15 «Дубровский». Бадиий фильм. 4-серия.

6, шанба

ЎзТВ I

7.00 «Ассалому алайкум». 8.00 «Бембининг болалиги». Бадиий фильм. 9.15 Спорт кўрсатувлари: 1. «Шоҳруҳ» клуби. 2. «Ўзбекистон спорти». 10.15 «Қизил ярим ой шуъласи». 11.00 «Китоб ва ҳаёт». 11.30 «Ангор истиқболи». 11.55 «Ёшлик» студияси кўрсатади. «Рўзғор ташвиши». 12.35 «Халқ ижодиёти». 13.25 «Ўзбекистон Ватаним маним». Адабий композиция. 14.10 «Аждодлар мероси — хазина».

18.00 «Қанотли хўтикча». Мультфильм. 18.15 Ўсмирлар учун. «Тенгдошлар». 19.00 «Ўзбекистон» ахбороти (рус тилида). 19.20 «Нафосат оламида». Телефильм. 19.45 «Санъатимиз юлдузлари». Республикада хизмат кўрсатган артистлар—Феруза Солиҳова ва Элмурод Исломов. 20.30 «Туркистон» ахбороти. 21.00 «Истиқлол йўлида». Хоразм ҳокими Маркс Жуманиёзов билан суҳбат. 21.50 Бадиий фильм (Ҳиндистон). 24.00 Эртанги кўрсатувлар тартиби.

ОРБИТА IV I КАНАЛ ОСТАНКИНО

5.50 Кўрсатувлар тартиби. 5.55 Ишбилармон кишининг шанба тонги. 6.55 Янгиликлар. 7.30 Эрталабки гимнастика. 7.40 «Спорт ҳамма учун». 8.10 «Чолғу асбоблари ва уларнинг тарихи». Кўп серияли илмий-оммабоп фильм премьераси. (Германия). 1-серия. «Инсон овози». 8.40 «Қандай қилиб муваффақиятга эришиш мумкин?» 8.55 Кўрсатувлар тартиби. 9.00 «Труба» радиоси. Дам олиш кўрсатуви. 9.30 «Марказ». 10.10 «НУЖ: эълон қилинмаган ташриф». 10.40 Рус мусиқаси саҳифалари. С. Раҳманинов. «Алеко». 11.10 «Тиббиёт сиз учун». 11.50 «Китоб дўкони». 12.40 «Майя ариси». Кўп серияли мультфильм премьераси. 13.05 «Жосуслик воқеалари» Ҳужжатли фильм премьераси. 2-серия. 14.00 Янгиликлар. 14.20 «Зазеркалье». «Бинафша ранг шар». Бадиий фильм. 15.50 «Қизил квадрат». 16.30 «Ҳайвонот оламида». 17.10 «Бахтли тасодиф». 18.15 Ойнаи жаҳонда биринчи марта. «Профессор Доуэлнинг васияти». Бадиий фильм. («Ленфильм»). 19.45 «Хайрли тун, кичкинтойлар!» 20.00 Янгиликлар. 20.20 Кўрсатувлар тартиби. 20.25 «Нақотки ўша Татьяна бўлса?», «Чашмалар» рукнидан телевизион ҳужжатли фильм. 21.25 М. Равель. «Дафнис ва Хлоя» балетидан иккинчи сюита. 21.40 «Ярим тундан сўнг». Танаффус пайтида (23.00). Янгиликлар.

7, якшанба

ЎзТВ I

7.00 «Субҳидам». 8.00 «Бембининг ёшлиги». Бадиий фильм. 9.05 «Биргаликда куйлаймиз». 9.35 Мактаб ўқувчилари учун. «Кувноқ стартлар». 10.25 «Меҳр». Публицистик кўрсатув. 11.15 Тижорат канали: «Ҳаққулобод тикув фабрикаси». 11.45 «Таэквондо: Ўзбекистон спортчилари жаҳон биринчилиги олдидан». 12.30 «Фан ва деҳқончилик». 13.05 Дони Зокиров номидаги халқ чолғу оркестрининг концерти. 13.45 «Дўстлик» студияси кўрсатади. «Ягона оилада».

18.00 «Ёртиқулоқ ва ялқов», «Қизча ва қуёнлар». Мультфильмлар. 18.25 «Кичкинтой» студияси кўрсатади. «Кўнгироқча». 19.00 «Ўзбекистон» ахбороти (рус тилида). 19.20 «Оламга саёҳат». Кинокўрсатув. 20.05 «Рақслар гулдастаси». 20.30 «Ўзбекистон» ахбороти. 21.00 «Уйимизда тинчлик, осойишталик бўлсин». 21.40 Боборахим Машраб таваллудининг 350 йиллигига бағишланган қеча ва концерт.

ОРБИТА IV

5.20 «Руҳни чиниқтириш». 6.20 Кўрсатувлар тартиби. 6.25 Ритмик гимнастика. 6.55 Янгиликлар. 7.30 «Спортлото» тиражи. 7.40 «Эрта саҳарлаб». 8.20 «Ҳамма нарса бўлиши мумкин». 8.50 «Тонг юлдузи». 9.40 «ПИ» белгиси билан». 10.10 «Камалак» халқ ижодиёти телевизион кўрсатувларининг IX Халқаро фестивали. 10.50 «Саҳнанинг орқа томонида. «Табассум билан». Н. Крачковская. 11.05 Марафон-15. «КТВ-I» ҳамда «Франс интернасиональ» канали таништиради. 11.55 «Ёввойи табиат қўриқхоналари» туркумидан телевизион ҳужжатли фильм премьераси. 2-фильм. 12.25 «Марк ва Софи». Кўп серияли телевизион бадиий фильм премьераси. 2-фильм (Франция). 12.55 «Нима?», «Қачон?», «Қаерда?». 13.55 Кўрсатувлар тартиби.

14.00 Янгиликлар. 14.15 «Саёҳатчилар клуби». 15.05 «Кэмел трофи» авторалиси. 15.30 «Уолт Дисней таништиради...» 16.20 Эфирда бевосита мулоқот. 17.00 «Панорама» 17.40 Кўрсатувлар тартиби. 17.45 Янгиликлар (сурдо таржимаси билан). 18.00 Турли мамлакатларнинг эртаклари ва афсоналари. «Джайна» (Испания). 18.05 «Телелоция». 18.20 «Юлдузлар инъоми». В. Спиваков раҳбарлигидаги «Москва виртуозлари» камер оркестрининг чиқиши. 21.00 Якунлар. 21.45 Кўрсатувлар тартиби. 21.50 Телевизион ҳужжатли фильм. 22.00 «Муқаддас картография». Телевизион бадиий фильм премьераси. (Италия). 23.00 Янгиликлар. 23.15 Кўрсатувлар тартиби. 23.20 «Кинотавр—92». 23.50 Регби — 15 ўртоқлик учрашуви. МДҲ терма командаси «Барбарианс» (Жаҳон терма командаси). 00.50 Москва Халқаро жаҳон марафони.

(«Тошкентдан гапирамиз ва кўрсатамиз» ҳафталиги асосида тайёрланди).

ГУРУНГ

● ВИЛОЯТЛАРДАГИ МУХБИРЛАРИМИЗ ХАБАР ҚИЛАДИЛАР:

• *ҲАЙРИЯ*

ҚУВОНЧ ЁШЛАРИ

Ашурали Отахонов бир ярим йилдирки, бетоб, ўрнидан туролмайди. У Избоскан район коммунал хўжалигида оддий ишчи, турмуш ўртоғи эса мактабда фаррош. Фарзандлари ҳали ёш. Оилавий шароити оғир эди. Бу ҳам «камлик» қилдими, зилзиладан кейин уйи қулаб тушди. Бутун оила кўчада қолди.

Шу чоғ эшикдан Андижон вилояти ва Избоскан район раҳбарлари кириб келишди. Улар аҳволни кўриб, оила аъзоларининг ўксик кўнглини кўтардилар, шошилинч ёрдам уюштирдилар.

Орадан бир-икки кун ўтгач вилоят ҳокими Қаюм Холмирзаев ҳол сўрагани келган қўшни Наманган вилоятининг ҳокими Бурғутали Рапиғалиев билан бирга Отахонов хонадонига иккинчи марта ташриф буюрди ва бу оилага битта соғин сигир совға қилди. Бундан аввал Избоскан район ҳокимияти ҳам Отахоновлар оиласига гилам ҳадя этганди. Бемор Ашурали Отахонов хурсандчиликдан кўзига ёш олди ва вилоят раҳбарларига миннатдорчилик билдирди.

Бу ташвишли ҳолат Наманган вилоят ҳокимига қаттиқ таъсир қилди. У ҳам чодирда яшаётган, уй қуришга маблағи ҳам, имконияти ҳам бўлмаган бу ночор онла учун тез кунда уй қурдириб беришни ваъда қилди. Андижон вилоят ҳокими қўшни вилоят ҳокимига бу ҳиммати учун миннатдорчилик изҳор этди...

Республика Президенти Ислом Абдуғаниевич Каримов зилзиладан катта зарар кўрган Пахтаобод районининг Маданият қишлоғида бўлган вақтида Эъзозхон Бектошевалар оиласига соғин сигир беришни ваъда қилган эди. Куни кеча Эъзозхон Бектошева, Собиржон Абдутолипов, Мунисхон Собирова оилаларига Президент инъом қилган сигирлар топширилди.

А. ҚУРОНБОЕВ.

• *Ҳунардан унар*

ТЎҚУВЧИЛАР СУЛОЛАСИ

Бухоронинг Жўйбор мавзеи азалдан моҳир тўқувчилари билан машҳур бўлган. Уста Ғуломжон Фозил ўғли эса уларнинг энг сараси ҳисобланарди. Инқилобдан кейин уста Ғуломжон биринчилар қатори шаҳарда ташкил топган «Қувват» ширкатига аъзо бўлиб кирди, ўғли Исмоилжонни ҳам ёнига олди.

Ота вафот этганидан кейин ўғил унинг ишини давом эттирди. «Қувват» ширкати кўп ўтмай артелга айлантирилди. Шу артель асосида вужудга келган трикотаж фабрикаси эса вилоятнинг энг пешқадам корхоналаридан бири саналади. Исмоил ака кўп йиллар унга директорлик қилган.

Корхонада тайёрланаётган юздан зиёд болалар кийим-кечакларига эҳтиёж катта. Меҳнат жамоаси йил сайин маҳсулот сифатини яхшиламоқда. Ҳозир марҳум Исмоил аканинг ишини унинг фарзандлари, шогирдлари давом эттиришмоқда. Дарвоқе, унинг тўнғич фарзанди Абдунаби Исмоил ўғли ҳозир Бухоро тўқимачилик ишлаб чиқариш бирлашмаси бош директори лавозимида ишламоқда.

Яқинда трикотаж фабрикаси меҳнат жамоасининг йиғилишида корхонага тўқувчилар сулоласи вакили Исмоил Ғулом ўғли Фозилов номини беришга қарор қилинди. Шаҳар ҳокими ўз фармойиши билан бу қарорни тасдиқлади.

Трикотажчилар корхонага тўқувчи номи берилиши муносабати билан барча меҳнат фахрийларини байрам дастурхонига таклиф этишди, тантанада Фозиловлар сулоласининг кўпдан-кўп вакиллари ҳам иштирок этишди.

Н. НАИМОВ.

● Республика ўқувчилар саройининг «Чаман» дастаси. Бўлажак раққосаларга Азим Азизов устозлик қилмоқда.

Р. АЛЬБЕКОВ олган сурат.

• *ҚУЛАЙЛИК*

ЭЛ ХИЗМАТИДА

Марғилон шаҳри марказида кўҳна бир чойхона бўларди. «Жангоб» номи билан машҳур бу чойхонада Юсуфжон қизиғу Охунжон қизиқлар ҳангома қиларди. Маъмуржон ва Жўрахонларнинг ширали ҳонишлари муҳлисларга завқ бағишларди.

Афсуси, миллий анъаналаримиз илдизларига болта урилган кезлари турли баҳоналар билан бу маскан ҳам ёпилганди. Яқинда марғилонликлар шу чойхонани қайта тиклашди. «Жангоб» қариялар ва ёшларнинг маданий дам олиш марказига айланди. У бир вақтнинг ўзида 400 кишига хизмат кўрсатади. Миллий анъаналарга кўра безатилган бино замонавий савдо-технологик жиҳозлари билан таъминланган. Бундан ташқари чойхонада Марғилон масжидларида жума намозини адо этиш учун келган диндорларга бепул овқат берилади. Намозхон отахонларни уйларидан масжидга олиб келиш ва кузатиб қўйиш учун алоҳида автобуслар ажратилган.

Ичкиликбозликка қарши кураш авжга чиққан йиллари шаҳардаги йирик ҳаммомнинг иши тўхтатилиб, баъзиларнинг хоҳиши билан хушёрхонага айлантирилган эди. Қадриятларимизнинг қайта тикланиши, одамларимизнинг диёнат йўлига қадам босишлари туфайли эндиликда хушёрхонага эмас, балки инсон танаси ва руҳиятини поклаш масканига талаб ортди. Қайта таъмирланиб, ҳаммом яна ишга туширилди. Яқинда шунингдек, Марғилон темир йўл бекати ёқасида қулайликларга эга бўлган катта деҳқон бозори очилди. Унинг ёнида 500 хўрандага мўлжалланган чойхона ва 20 ўринли деҳқонлар учун меҳмонхона ҳам фойдаланишга топширилди.

А. ИБОДИНОВ.

• *Ибн Сино мадади*

ШИФО ИСТАБ

● Аслида бизни деҳқонободлик Бобомурод Ёқубовнинг рўзномамиз таҳририятига йўллаган мактуби Китобдаги вилоят сил касалликларини даволаш шифохонасига етаклаб келди. Хат муаллифи рўзномадан бирор киши келиб, касалхонадаги аҳвол ва заҳматкаш ҳакимлар ҳақида ёзишни илтимос қилганди.

...Шифохонага Б. Ёқубовнинг турмуш ўртоғи Зарҳол Мусаева жуда оғир аҳволда келтирилганди. Унинг менингит дарди ўтиб кетган, дастлаб кўрган шифокорлар тузалиб кетишига ишонмагандилар. Наҳотки, эндигина ўттиз баҳорни қаршилаган, беш боланинг онаси ҳаётдан кўз юмиб кетаверса. Эй, худо, бу нима кўргилик?..

Касалхонанинг 3-менингит бўлими бошлиғи, тажрибали шифокор Суюн Мирзаев қалбини ана шу ўйлар қийнарди. У бундан ҳам оғир беморларни даволаган. Суюн ака беморга ачиниш билан бирга 150 километр олис жойдан жўжабирда болаларини бировнинг қўлига ташлаб умид билан келган турмуш ўртоғини даволаш учун кўзлари жовдираб турган Б. Ёқубовга раҳми келди. Юраги эзилгандай бўлди.

Бемор Зарҳол Мусаеванинг орқа миясига тўрт марта кислород юборилди. Шундан сўнг у ўзини кундан-кун яхши ҳис эта бошлади. Тўшакда михланиб ётган аёл уч ой деганда оёққа турди. Шу даврда жонига тўзим берган турмуш ўртоғи Б. Ёқубов ҳам сира нарига жилмади.

Менингит касаллигини орқа мияга кислород юборибгина даволаш фақат Тошкентдаги сил касалликлари илмий-текшириш институтида қўлланиларди. Суюн Мирзаев ана шу институтда малака ошириб қайтгач, тўрт-беш йилдан бери тажрибасини шифохонада қўллаяпти.

Кейинги пайтда Суюн Мирзаев каби шифокорлик касбини ардоқлаётган ординатор Ризоберди Худойбердиев, ҳамширалар Волида Иброҳимова, Саломат Мирзаева, Сабоҳат Шерқобиловаларнинг фидойилиги туфайли оғир аҳволда келтирилган ўнлаб беморлар тезда соғайиб, касалликдан фориғ бўлмоқдалар.

Китоб сил касалликларини даволаш муассасаси Қашқадарё вилоятида ягона. Бу ердаги 12 та бўлимда бир йўла ўпка, менингит, суяк-бўғин сили каби оғир хасталикларга чалинган 750 га яқин бемор даволанади.

Беморлар қўли енгил жарроҳ Сирожиддин Шоимов, терапевтлар Бахтиёр Абдуллаев, Луқмон Усмонов, гинеколог Қумри Орлова, ҳамширалар Турсуной Ғаниева, Маҳфират Умирова, Абдихалил Диёров, Санобар Фозилова, Ўктам Жўраева, Маҳсуда Ражабова, Гулзода Ғозиевалар хизматидан мамнун.

Улар беморларнинг соғайиши учун ширин сўзларини, қўлдан келган маҳоратларини аяшмаяпти.

М. КАРОМОВ.

• **ЎЗ КАСБИНИ ЭЪЗОЗЛАГАНЛАР**

ҚУТЛУҒ ИЗ

Оламда касб-кор кўп. Уларнинг сарчашмаларидан баҳраманд бўлган кишигина бир умрга татигулик қутлуғ из қолдириши мумкин. Бу ҳар кимга ҳам насиб этавермайди. Зотан, ижтимоий меҳнатга меҳр-муҳаббат туйғуси орқалигина эришиладиган ягона йўл бор. Бу йўлдан юрганлар қанчадан-қанча. Ҳури Мирҳомид қизи Олимхожиева ўшанда — Низомий номли Тошкент давлат педагогика олий билимгоҳини эндигина битириб, тетапоя дарс бера бошлаганида шундай йўл борлиги тўғрисида ҳали ўйлаб кўрмаганди. Нимаям сабаб бўлди-ю шаҳар халқ маорифи бўлими мудири Тоир Дадашев бошлиқ комиссия у ишлаётган Яккасарой (собиқ Фрунзе) туманидаги 26-мактабга келиб қолди. Буни қаранг, келиб-келиб мудир у физикадан дарс бераётган юқори синфга кириб қолса-я! Ҳаяжонини зўрға босиб, бутун билимини ишга солишга тўғри келганини ҳанузгача эслаб юради.

Ўқувчиларнинг руҳий ҳолатини жуда яхши тушунар экансиз, — деганди ўшанда. Т. Дадашев, — бундай ўқитувчиларнинг эртанги куни, албатта ёруғ бўлади.

Ҳали устоз кўрмаган ёш муаллимага бундан ортиқ баҳонинг кераги йўқ эди. Ана шу биргина калима унинг меҳнат фаолиятида катта бурилиш ясади. У энди бутун борлиғи билан муаллимлик касбини севиб қолиши ва ўқувчилар қалби тўридан паноҳ топишига имон келтирганди.

Турмуш чорраҳалари аччиқ-чучугини тотиб улгурган даврида шу тумандаги Майна Ҳасанова номли 144-ўрта мактабга ўқув ишлари бўйича мудирликка тавсия этишди. Чунки Ҳ. Олимҳожиеванинг қуйдипишдилиги, болажонлиги, ота-оналар билан киришимлиги, талабчанлиги, қолаверса, ташкилотчилик қобилияти унинг шу лавозимда ишлаши лозимлигини тақозо этарди.

— Мен Ҳури опани анчадан буён кузатиб, у билан бирга ишлашни орзу қилиб юрардим, — дейди мазкур мактаб директори Мастура Юсупова. — Одам танлашда янглишмаган эканман. У киши ишга келдилар-у жамоадаги носоғлом муҳитга барҳам берилди. «Ёзувчи»лар тинчиди. Тартиб-интизом жойига тушди. Ўқувчиларнинг билим олишлари даражаси кенгайди. Ота-оналар қўмитаси иши жонланди. Сабаби битта: Ҳури опа меҳнатсевар, инсонпарвар. Синфидаги ҳар бир ўқувчининг дунёқараши, уйидаги сир-синоати, кўнглидаги қувонч-у, ташвишидан яхши хабардор. Бир сўз билан айтганда, у ўқувчилар онасидир.

Шу муносабат билан ўзимнинг ўқувчилик йилларим ёдимга тушади. Ўқитувчилар орасида фақат биттаси кўпчиликка ёқарди. Математика муаллими Саъдулла ака Лутфуллаев бизлар билан ўз дўстига муомала қилгандай мулоқотда бўларди. Камтар ва камсуқум эди. Ҳаммага «сиз»лаб мурожаат қиларди. Чуқур ҳурмат қилишдан бўлса керак, ёмон ўқийдиган болалар ҳам унинг дарсига тайёрланчб боришарди. Айни пайтда эса у билан бордикелди қиладиган собиқ ўқувчилар талайгина. Ҳури опа билан суҳбатлашиб ўтириб, ўша севимли ўқитувчимни яна бир бор эсга олдим. Ўзбекистон Халқ маорифи аълочиси, Крупская номли мукофот лауреати, 32 йилдан буён ёш авлоддан бор билими, тажрибасини аямаётган ташаббускор муаллимдан эндиликда унинг юзлаб шогирдлари хабар олиб туришади. 14 май шундай кунларнинг биридир. Унинг туғилган куни билан табриклашга келганларни мактаб зали сиғдиролмади. Улар орасида Маҳмуд Расулов, Ҳабибулла Холматов, опа-ука Шоҳсанам ва Шокарим Анназаровлар, Қўчқор Муҳамедов сингари партия, ҳокимият органларида, ҳуқуқни муҳофаза қилиш ташкилотларида баракали фаолият кўрсатаётган шогирдлари кўплаб топилади.

Бундан 27 йил аввал ундан таҳсил олган Озод Отабеков ўқувчилик йилларини эслаб «Ҳури аямизгача физика фанининг шунчалик қизиқарли бўлишини билмасдик», — деган гапида жон бор эди. Чунки у дарсни жонли ўтарди. Турли мусобақалар уюштирарди. Ҳатто унинг синфи Львовда ўтказилган ўткир зеҳнлилар конкурсидан мукофотлар билан қайтган. Болаларнинг дарсдан кейинги фаолиятини диққат марказидан қочирмас, ҳафтасига бир марта театр ёки шаҳар ташқарисига — табиат қўйнига олиб чиқишни ташкил қиларди. Шу боисдан бўлса керак, нафақат шогирдлари, балки Муқимий ва Яккасарой маҳаллаларида яшовчи ота-оналар ҳам уни йўқлаб туришади.

Тўрт нафар фарзандни оқ ювиб, оқ тараган, ўн неварани суюкли бувиси— Ҳури опа Олимҳожиевани яқинда ўтказиладиган мактаб битирувчиларининг 25 йиллик кечасига шогирдлари таклиф этишган. Ҳеч шубҳа йўқки, бу кечада ҳам унга тўрдан жой олиб қўйишади. Дил розлари, меҳр чашмалари ҳам унга аталган бўлади. Зеро, ҳаётда қутлуғ из қолдирган, ўз шогирдларига оналик меҳрини берган мўътабар аёлнинг тақдири бундан бошқача бўлиши мумкин эмас. Илоҳим, бундай оналик бахти ҳар бир аёлга ҳам насиб этсин.

Абдунаби МАННОПОВ.

• *БИЛАСИЗМИ?*

КИМ КЎП РОМАН ЁЗГАН!

● Таниқли саргузашт ёзувчи Айзек Азимовнинг уч юзинчи романи — «Опус—300» деб номланган. Шундан сўнг «Геннеснинг рекордлар китоби»нинг муҳаррирлари Азимовни Американинг энг сермаҳсул ёзувчиси, деб аташди. Лекин, адиб аср охиригача 400-китобини чиқариш ниятида эканлигини билдирган. Азимов 250 роман эгаси А. Дюма билан 150 та роман ёзган Бальзакни қувиб ўтган бўлсада, ҳали унинг олдида Ж. Сименоннинг 415 романдан ташкил топган «чўққи»сини забт этишдек машаққатли вазифа турибди.

Маълум бўлишича, кўп китоб ёзиш мусобақасида Сименон ҳам бош совриндор эмас экан. Сермаҳсулликда уни Урсула Блюм номли адиба қувиб ўтган. 91 ёшида вафот этган бу инглиз ёзувчиси йилига 6—7 тадан асар ёзиб, нашр эттирган. Шундай қилиб, Блюм ўзининг узоқ умри мобайнида жами 560 та роман ёзган. Ундан қолган роман-эртакнинг қўлёзмаси Британия музейида сақланмоқда, деб хабар қиладиган «Экспресс» журнали.

ҲИДИ ЎТКИР ГУЛ

● Дунёда энг ҳиди ўткир гул Америка кактусидир. Унинг ҳиди бир километр узоқликдан ҳам димоққа уриларкан.

МИТТИ РЕКОРДЧИ

● Баландликка сакраш бўйича жаҳон «рекорди» Жанубий Америкада яшовчи кичкинагина антилопага тегишли экан. Унинг оғирлиги 10 килограмм, бўйи тахминан бир метр бўлишига қарамай, етти метрли тик қоялардан бемалол сакраб ўтаверади.

• МАВСУМ АРАФАСИДА

БАЛИҚ ОВИ ОШУФТАЛАРИ

Ҳадемай, балиқ ови муҳлислари кўл ва дарёлар бўйига йўл олишади. Улар ов анжомлари: қармоқ, илгак, тўрларни тайёрлаб қўйишга ошиқишмоқда. Сафарга отланиш олдидан табиат неъматларини авайлаб-асраш, улардан оқилона фойдаланиш хусусида яна бир карра мулоҳаза юритсак, фойдадан ҳоли бўлмас.

Мавсум арафасида Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитасида бўлдик. Ҳайвонот ва ўсимлик дунёсини муҳофаза қилиш ҳамда улардан фойдаланиш бўйича бош бошқарма бошлиғи Одилжон ОТАЖОНОВ билан суҳбатлашдик.

— Балиқ овининг ўзига хос гашти бор, — дейди у. — Табиат қўйнида ҳам дам олинади, ҳам спорт билан шуғулланилади. Зеро, бундай завқланишнинг бошқа томони ҳам бор: дарё ёки кўл бўйига йўл олган ов ишқибози балиқлар тўрини билиши, хусусан, жониворларнинг фақат баъзиларинигина овлаш лозимлигини унутмаслиги керак. Давлат ва жамоатчи назоратчилар, овчилар ва балиқчилар жамиятлари аъзоларининг ҳалолликка интилиши ҳам ана шунда. Айниқса, балиқ урчитилиши вақтида эҳтиёт бўлиши керак. Бу кезларда ов таъқиқланади. Чиндан ҳам муддатидан бир кун илгари ов бошланса, балиқ турлари камайиб кетиши мумкин.

Овда тартиб-интизомга қатъий риоя қилиниши керак. Ов миқдори 5 килограммдан ошмаслиги зарур. Аммо шундай мухлислар ҳам борки, улар фақат ўз манфаатларини ўйлашади. Ўтган йили 2678 та тартиб бузилиши аниқланди. Тартиббузар овчиларга 65,9 минг сўм миқдорда жарима солинди. Улардан мингдан зиёд турли хил тўрлар тортиб олинди. 68 тартиббузар шахслар устидан жиноий иш қўзғатга тўғри келди.

Бу йилги балиқ ови мавсумига пухта ҳозирлик кўриляпти. Дарёлар, кўллар, сув ҳавзаларида балиқ ови мухлислари учун алоҳида жойлар мўлжаллаб кўйилди. Бу ерда жамоатчи овчилари табиат бойликларини авайлаб-асраш хусусида тушунтириш ишларини олиб боришди.

Бу йилги баҳор ойида Ўзбекистоннинг турли гўшаларида об-ҳаво турлича бўлди. Дарё ва кўлларда балиқ ови баҳорги таъқиқнинг аниқ кунлари ҳам белгилаб кўйилган. Амударё ва Сирдарё ҳудудларида бу муддат бугун-эрта тугаса, Қорақалпоғистон ва Хоразм вилоятлари сув ҳавзаларида эса ов 20 июнгача маън этилади.

Табиат бизга ажойиб инъомлар ҳадя этган. Балиқ ови мавсуми арафасида, айниқса, эҳтиёт бўлишимиз керак. Сув ҳавзалари ва дарёларда фақат махсус рухсатномалари бўлган кишиларгина қайиқлар ёрдамида назорат қилишлари мумкин. Бундай рухсатномалар табиатни муҳофаза қилиш вилоят қўмиталари томонидан берилади.

Балиқ ови муҳлислари! Гўзал табиат қўйнига йўл олиш арафасида турибсиз. Сизларга овингиз бароридан келсин, дейиз.

М. МАҲМУТОВ,
жамоатчи мухбиримиз.

● КИЧИК КОРХОНАЛАР

«ИШОНЧ»ГА СУЯНИБ

Ленин йўли районидаги Будённий номли давлат хўжалигининг ишчиси Фахриддин Салаев ўзи очган кичик корхонани «Ишонч» деб атади.

«Ишонч» бу йил 33 тонна тирик балиқ сотмоқчи. Йўқ, корхона даллоллик, воситачилик қилмайди, олибсотарлик билан шуғулланмайди. Балиқни ўзи етиштиради. Сатҳи 4 гектарлик ҳовуз сувга тўлдирилди. Балиқ кўпайтира бошланди.

Фахриддин чорвадор оиладан. Отаси Сайфиддин Салаев бўрдоқичилик, товуқчилик фермасини ижарага олган. Бир оиланинг етиштираётган гўшти ҳозир менинг рўзгорга татиб турипти. Балиқчилик ҳам етти хазинанинг бирига айланса, ажабмас.

О. УСАНОВ.

Бош муҳаррир Р. РАҲМОНОВ.

Рўзнома таҳрир ҳайъати: А. АБДУБАННОПОВ (бош муҳаррир ўринбосари), Ҳ. ИКРОМОВ, Н. М. МАЖИДОВ, С. МУҲАММАДЖОНОВ, М. Қ. МУҲСИМОВ (бош муҳаррир ўринбосари), Т. Н. НАЖМИДДИНОВ (бош муҳаррир ўринбосари), В. Т. ОДИЛОВ, М. Қ. ПИРМАТОВ, Р. Қ. ТУРСУНОВ, Я. ТУХТАЕВ, Ш. О. УБАЙДУЛЛАЕВ, М. ҲАЙРУЛЛАЕВ, Ж. ХОЛҚОСИМОВ, Э. С. ХУЖАЕВ (масъул котиб), М. ШЕРБУТАЕВ, О. ҲИКМАТОВ.



БИЗНИНГ МАНЗИЛГОҲИМИЗ: 700000, Тошкент–ГСП, Ленинград кўчаси, 32.

БЎЛИМЛАР: муштарийлар фикрини ўрганиш ва хатлар — 33-21-43, 33-54-55, 32-53-16, 33-11-49, 32-54-06; ижтимоий адолат — 33-76-04, 32-53-15; партия турмуши, советлар ҳаёти ва мафкура — 33-34-69, 33-38-55, 32-53-97, 32-57-19, 32-54-18; саноат, қурилиш ва транспорт — 33-47-80, 32-53-14; деҳқончилик-саноат — 33-12-16, 33-07-20, 32-57-20; фан, маданият ва халқ таълими — 33-20-36, 32-54-35; адабиёт, санъат, тил ва публицистика — 33-12-56, 32-55-16; ички ахборот, спорт ва ҳарбий ватанпарварлик — 33-14-24; 32-55-17; ахлоқ-одоб — 32-54-29; фельетонлар — 32-26-70, 32-54-27; безатиш — 32-57-22; ахборот-тижорат маркази — 32-53-20.

ЎЗ МУХБИРЛАРИМИЗ: Андижонда — 4-21-05, Бухорода — 3-96-12, Гулистонда — 2-63-48, Жиззахда — 3-31-86, Қаршида — 3-25-79, Наманганда — 6-54-11, Нукусда — 2-42-62, Самарқандда — 35-22-90, Тошкентда — 32-53-21, Урганчда — 6-72-60, Фарғонада — 4-88-25, Термизда — 2-23-01.

«Ўзбекистон овози» («Голос Узбекистана») — общественно-политическая газета Народно демократической партии Узбекистана.

● Йилига 256 марта чиқади.
386.914 нусхада чоп этилмоқда.
Буюртма № Г—128.

Нашр кўрсаткичи — 64583.
№ 107.

Рўзнома офсет усулида А—2 форматида босилади. ● Босишга топшириш вақти — 21.00. Топширилди—20.00. Ўзбекистон Республикаси «Шарқ» нашриёт-матбаачилик концерни. 700000 Тошкент шаҳри. Ленинград кўчаси, 32. 1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11 12.